

# ИШОНСН



## Саҳифаларда:

### Эл хизматида

Ҳаётда шундай соҳалар бўладики, уларнинг хизмати-га кеча-ю кундуз эҳтиёж сезилади. Ўзбектелеком акционерлик компанияси Тошкент шаҳар телефон тармоғининг 09 хизмати-га ҳам доимо зарурат бор. Бу ерда хизмат кўрсатаётган 70 нафар ишчи-ходимлар миҳозларга керакли маълумотларни тезкорлик билан етказиб беришмоқда.

2

### Олибсотар ҳам картошка ейди...ми?

Даладан келган сотувчини бозордаги «деҳқонлар» роса сийлашди. Ур-сурдан ташқари беш-олти қоп картошкасини улар қўлига сувтекинга тутказиб қўйганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Эҳ, аттанг, пишиқчиликда бозорнинг нархи ва аҳволи шу бўлса, далада нима гаплар экан-а, — дея гудранарди воқеани кузатиб турган отахон.

3

### Хонзодабегим тақдир

Маълумки, Бибихонимдан кейин Темурий маликалар ичида оқиллиги, донолиги, тadbиркорлиги билан Хонзодабегим алоҳида ўринда турган. Амир Темурнинг суякли келини Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг рафиқаси Хонзодабегим саройда ҳам катта обрў-эътиборга сазовор бўлган.

10

### Лачакни эгри қўйма

Баъзан бу либоснинг салобатлилиги фарзандлар сони билан боғлиқ деган гап қулоққа чалинади. Эмишки, момолар фарзандлари қанчалик кўп бўлса, лачакни шунчалик баланд қилиб ўрашган. Тадқиқотчиларнинг сурхоний лачаклари хусусияти борасида ёзишча, бу гўша момолари насл поғоналарига қараб лачакнинг баландлигини оширар экан. Масалан: неварали кампир мазкур бош либоси устидан икки йўл, чеваралиси эса уч йўл қилиб белбоғга ўхшаш ўрам ёки чилвир танғишган. Хоразмда эса унинг баландлиги аёлнинг серфарзандлигидан дарак беради.

11

И.ХАСАНОВ олган сурат



TV ДАСТУРИ



СКАНВОРД



# Оролбўйи деҳқонлари маррага етди

Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар Қорақалпоғистонда ҳам ўз самарасини бераётди. Буни қорақалпоғистонлик миришкорларнинг қабул пунктларига 185 минг тонна пахта топшириб, шартнома мажбуриятини шараф билан адо этишгани ҳам исботлаб турибди.

Оролбўйи пахтакорлари шўрланиш даражаси юқори бўлган, мураккаб иқлим шароитида деҳқончилик қилиб келмоқдалар. Илмий асосланган мелиоратив, агротехник тадбирлар тупроқ унумдорлигини оширмоқда. Ерга, меҳнатга муносабатнинг ўзгаргани қорақалпоғистонлик деҳқонлар кўлга киритган улкан ютуқнинг бош омилдир.

Балиқчилик ва чорвачиликка ихтисослашган Мўйноқ туманида бу йил илк бор гўза парваришланиб, 200 тоннага яқин ҳосил олинди. Тумanning тупроқ ва иқлим шароити чуқур ўрганилгач, сувсизликка чидамли, айни пайтда серҳосил «С-4727», «Оқдарё-6», «Бухоро-6» навларини экиш тавсия қилинди. Гўза парвариши агротехника қоидалари асосида олиб борилди. Бу эса ўз натижасини берди — улар зафар маррасига биринчилар қаторида етиб келдилар.

Мазкур минтақанинг ўта иссиқ шароитида, айниқса, ёз чилласида гўзани асосан тунда суғоришга эътибор кучайтирилди. Ҳосил кушандаларига қарши курашда биологик усул кенг қўлланди. Бу борада Қорақалпоғистондаги 64 биологаториянинг хизмати катта бўлди.

Юртбошимиз ташаббуси билан фермер-

ликни кенг ривожлантириш мақсадида паст рентабелли 137 ширкат негизда тўққиз мингдан зиёд фермер хўжалиги ташкил этилди. Ер ҳақиқий эгасини топди. Натижада пахтачиликдаги умумий кўрсаткичлар кескин ортди.

Бу йилги меҳнат ғалабасида пахтачилик билан шуғулланаётган саккиз мингдан зиёд фермер хўжалигининг ҳиссаси катта бўлди. Етиштирилган ҳосилнинг 98,4 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келади.

— Деҳқон қилган меҳнатига яраша ҳосил ва шунга мос даромад олади, — дейди Эллиққалъа туманидаги «Рўзимбой бобо» фермер хўжалиги раҳбари Эркин Султонов. — Саксон гектар майдонда гўза парваришладик. Ҳар гектар майдондан ўртача 43 центнер ҳосил олиб, шартнома мажбуриятини ошириб бажардик.

Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Сарсенбой Алламбергеновнинг айтишича, фермерларга мавсум давомида барча зарур маҳсулотлар, жумладан, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари ўз вақтида етказиб берилган. Фермерларнинг кредит ресурслари ва лизинг асосида техника воситалари билан изчил таъминланаётгани ҳам соҳа ривожига муҳим омил бўлмоқда. Шу боис, етиштирилган улкан хирмонда сувчи, механизатор, кимёгар-таъминотчи, молия муассасалари — қишлоқ хўжалиги ишига бош қўшган барча ходимларнинг катта ҳиссаси бор.

Оролбўйи далаларида пахта терими қизгин давом этмоқда.

(ЎЗА)

Бухоролик деҳқонлар давлатга пахта сотиш шартнома мажбуриятини бажардилар. Қабул пунктларига етказиб берилган 360 минг тоннадан зиёд қимматли хомашёнинг ҳаммаси юқори навларга сотилди. Ўртача ҳосилдорлик салкам 30 центнерни ташкил этди.

Бу юксак меҳнат ғалабасига Ромитон, Когон, Вобкент, Қоровулбозор, Бухоро туманлари деҳқонлари муносиб улуш қўшдилар.

Иқтисодий ислохотларнинг изчил амалга оширилиши қишлоқ хўжалиги равақини таъминловчи муҳим омилга айланди. Ер адолат ва ошкоралик тамойилларига мувофиқ ҳақиқий эгаси — фермерларга топширилиши, қишлоқ мулкдорларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши ўз самарасини бермоқда. Бугунги кунда вилоятда 7 мингдан зиёд фермер хўжалиги пахтачилик билан шуғулланмоқда. Етиштирилган ҳосилнинг 94 фоизи улар ҳиссасига тўғри келяпти. Бу ўтган йилдагига нисбатан 30 фоиз кўпдир.

— Жорий йилнинг баҳорида Президентимиз Ислоҳ Каримов вилоятимизда бўлиб, биз, фермерлар билан учрашиб, самимий суҳбатлашган ва деҳқончилик самарадорлигини ошириш борасида қимматли маслаҳатлар

## Бухоролик пахтакорлар зафари

берган эди, — дейди Бухоро туманидаги «Фани Пўлат» фермер хўжалиги раҳбари Субҳон Пўлатов. — Давлатимиз раҳбарининг бу эътибори бизни янада шижоат билан ишлашга ундади. Натижа ҳам қувончли бўлди. Ҳосилдорлик сезиларли даражада ошди. Табиийки, даромадимиз ҳам шунга яраша бўлади. Етиштирилган ҳосилга сувчилар, механизаторлар, таъминотчилар катта ҳисса қўшди.

Воҳа пахтакорларининг ютуқлари вилоят иқлим ва тупроқ шароитига мос келадиган, толаси жаҳон бозорига харидорлар «Бухоро-6», «Бухоро-8» ва «Бухоро-102» гўза навларининг тўғри танлангани билан ҳам боғлиқ. Бу навларнинг ихтисослаштирилган уруғчилик ширкат хўжаликларида сифатли репродукциялари тайёрланиши йўлга қўйилган.

Йиғим-теримнинг уюшқоқлик билан ташкил этилиши деҳқонлар ва ҳашарчилар иш унумини оширди. Терилган пахта учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши манфаатдорлик ва рағбатни кучайтирди.

Ҳисоб-китобларга кўра, соҳа рентабеллигининг кескин ошиши, даромад ва соф фойда ҳам ўтган йилдагига нисбатан сезиларли даражада кўпайиши кутилмоқда.

Вилоят далаларида ҳали ҳосил кўп. Йиғимни уюшқоқлик билан давом эттираётган бухороликлар ялпи хирмон салмоғини 400 минг тоннадан ошириш ниятида.

(ЎЗА)

### Шундай касб бор



## 09 хизмати эшитади

Ҳаётда шундай соҳалар бўладики, уларнинг хизмати кечаю кундуз эҳтиёж сезилади. Ўзбек телеком акционерлик компанияси Тошкент шаҳар телефон тармоғининг 09 хизмати ҳам доимо зарурат бор. Бу ерда хизмат кўрсатаётган 70 нафар ишчи-ҳодимлар миждозларга керакли маълумотларни тезкорлик билан етказиб беришмоқда.

— Бир кунда 15–16 минг миждозга хизмат кўрсатилади, — дейди смена бригадири Дилфуза Қодирова. — Ишининг унуми меҳнат муҳофазасига, ходимларнинг ижтимоий ҳимояси-ю уларга яратиб берилаётган шарт-шароитга ҳар томонлама боғлиқ. Шунинг учун ҳам бу борадаги ишларга катта эътибор берилаяпти. Ишчи-ҳодимла-



римиз компьютерда мунтазам ишлашини инобатга олиб, иш ҳақиқа кўшимча сут-қатик пули ҳам берилади. Маънавий-маърифат ва дам олиш хоналарида барча шароитлар етарли. Кўп йиллардан буён ишлаб келаятган О.Хусанова, М.Ефимова каби ходимларимиз ёшларга яқин маслаҳатгўй, меҳрибон устоз сифатида жамоада ҳур-

мат қозонишган. Касаба уюшма кўмитаси ишчи-хизматчиларга ҳаммаша кўмакдош бўлиб келмоқда. Жумладан, ҳар йили ходимларнинг фарзандлари оромгоҳларда мириқиб, ҳордиқ чиқаришади.

Ҳидоят Жўраева,  
«Ишонч» муҳбири.  
И.ХАСАНОВ  
олган суратлар

### Бир қарор шарофати

## ТАДБИРКОР ФАОЛИЯТИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш, бозор ислохотларини жаддаллаштириш борасида изчил ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу солиқ тизимини халқаро амалиёт талаблари даражасига кўтариш билан чамбарчас боғлиқ вазифа бўлганлиги боис мазкур соҳа ходимлари фаолиятида туб янгиланишлар яратмоқда. Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Қарори солиқ хизмати идораларининг янгича ишлаш механизмининг янада такомиллаштириши.

Унга кўра, микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича барча ҳисоб-китобларни давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда тақдим этишини ҳар чоракда амалга оширишга ўтказиш йўлга қўйилди. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад тадбиркорлар учун энгилликлар яратиш, уларнинг самарали фаолият олиб боришларига кенг йўл очишга эришишдан иборатдир. Яна бир аҳамиятли жиҳати, тадбиркорлик субъектлари учун давлат статистика ҳисоботини янада соддалаштиришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди. Давлат солиқ хизмати органларининг молиявий ҳисобот, солиқлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма ариза ва билдиришномаларнинг почта ва электрон алоқа воситаси орқали қабул қилиниши йўлга қўйиш эса

тадбиркорлар учун бирмунча қулайликлар яратди. Бунда ҳам уларни қабул қилиб олиш тартиб-таомилини соддалаштириш ва унификациялашган билан ҳам боғлиқ тузиш назарда тутилди.

Бу борада амалга оширилган ишларни туманимиз мисолида кузатсак, унинг яққол исботига эга бўлаемиз. Худудда 2289 та микрофирма ва кичик корхона мавжуд бўлиб, улардан 1339 таси ягона солиқ тўлови тўловчи, 697 таси даромад солиғи тўловчи, 253 таси умумий солиқ тўловчи корхоналар ҳисобланади. Қиёсан олиб қарайдиган бўлсак, илгари ярим йиллик давомида туман давлат солиқ хизмати инспекциясига ягона солиқ тўлови тўловчиларнинг келиши 16068 та, ҳисоботлар сони, мактаб фонди учун ажратмалар ва ягона солиқлар тўланган даврда улар томонидан бир ойда 12051 та, бир чоракда эса 40170 та ҳисобот тақдим этиларди. Улар ўрнига битта ягона солиқ тўлови жорий этилгани ҳисобига бу кўрсаткич 4017 тани ташкил этди. Ялпи даромад солиғи тўловчи корхоналар бўйича ҳисоботлар топшириш учун ҳар чоракда инспекцияга келиш эса 12546 тадан 4182 тага қисқарди. Бундан ташқари, идорамиз ходимлари томонидан тадбиркорларнинг янгича тартиб бўйича ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида семинарлар ўтказилиши турли қонунбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

У.ҒОФУРОВ,  
Миробод туман давлат солиқ инспекцияси ҳисобот қабул қилиш шўъбаси бошлиғи

# Хатлар — Ҳаёт ойнаси

Газета ва газетхон

## 2006 йил - Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Бир пайтлар Шеробод тумани ҳудудида бармоқ билан сарнали шифо масканлари мавжуд эди. Ваҳоланки, бу ерда 136 минг нафардан ошиқ аҳоли истиқомат қилади. Шунча аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун бу етарли эмас эди. Ўтган қисқа даврда 5 та шифохона, 3 та поликлиника, 11 та қишлоқ врачлик пункти, 10 та амбулатория, 2 та қишлоқ участка шифохонаси, 1 та тез тиббий ёрдам маркази ва унинг жойлардаги 5 та шохобчалари, 1 та ДСЭНМ, 2 та дорихона, 45 та ФДИ қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уларда 370 та шифо ўринлари мавжуд. 15 нафар олий, 102 нафар 1-, 10 нафар 2-тоифали врачлар, 365 нафар олий, 174 нафар 1-, 33 нафар 2-

## Қишлоқ туманидаги шифохона марказдагилардан қолишмайди

тоифали ўрта тиббиёт ходимлари одамлар саломатлигини тиклашда камарбаста.

Шунингдек, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури ҳақида»-ги Фармонида кўра, туман ҳудудида 7 та янги, замонавий қишлоқ врачлик пунктлари қурилди. 4 та қишлоқ врачлик амбулаториялари қайта таъмирланиб, замонавий пунктларга айлантирилди.

Жорий йилда ҳам худди шундай яна 8 та амбулаторияларни таъмирлаб, врачлик пунктларига айлантириш ишлари бошлаб юборилди. Савобли ишларни амалга оширишда, айниқса, танти ҳомийлар мадади катта бўлмоқда.

Тўлқин ТЕМИРОВ,  
Сурхондарё вилояти



Суратда: Мирзачўл тумани Фуқаролик ҳолатларини кайд этиш бўлими бошлиғи Бахтигул Иманова бир гуруҳ фаол аёллар билан.

Б.НОРҚУЛОВ олган сурат

## Таклиф СОҒЛОМ АВЛОД — ЮРТ ҚАНОТИ

Ўз юрти келажagini уйлаган ҳар бир инсон аввало ёшлар камолига бефарқ бўлмайди. Мустақиллик йилларида соғлом авлодни вояга етказиш билан бирга, уларнинг маънавий тарбиясини кенг шакллантириш ва келажакда ватанга садоқатли кишилар бўлиб етишишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаёпти. Мустақиллик шуқуҳи руҳида тарбия топган минглаб ёшлар иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш ва фаровонликни таъминлашда кўпчиликка намуна бўлишяпти.

Уларга яратилаётган шароитлар кўлами кенглигига қарамай, ахён-ахёнда бўлса-да, айрим ёшларнинг маънавиятида ҳамон нуқсонлар мавжудлиги сезилиб туради. Дилни ранжитувчи бундай ноҳушликка мактабми, маҳалла ёки оиладаги муҳит сабабми, деган ҳақли савол туғилади.

«Ишонч» газетасининг доимий мухлисман. Унда бериб борилаётган ранг-баранг мавзулардаги мақолалар кўпчилик эътиборини торттиришга шубҳа йўқ. Шу боис оила ва тарбияга бағишланган чиқишлар кенгрок ёритилса. Ёки шу рукн остида энг яхши маҳалла, оилаларнинг бу борадаги ибратли ишлари, тажрибалари хусусида доимий равишда суҳбатлар уюштирилса. Шунингдек, телевидениеда ҳам ҳеч бўлмаса кунига бир соатлик давра суҳбатлари олиб борилса, мақсадга эришиш сари яна бир силжиш бўларди. Таклифим қалам аҳлига маъқул келишидан умидворман.

Ўтбосар АБДИЕВ,  
Сирдарё вилояти

## Луқма

# Олибсотар ҳам картошка ейди...ми?

— Мағрурлигинг боиси нимада, — деб сўрабди от бир куни девор тепасида гердайиб турган хўроздан.

— Тонг саҳардан ярим тунгача одамларнинг тинчини бузсам-да, ҳеч ким индамайди; — деган экан у.

— Афсус, шунча меҳнат қилиб, садоқат кўрсатсак ҳам, барибир отмиз-да, — хўрсинибди у, бу жавобдан сўнг.

Қачонлардир ўйлаб топилган латифа ҳақиқатга қанчалик тўғри келаркин, билмадик. Бироқ...

Кўйлик бозоридаги икки йигитнинг даҳанаки жанжали бировларни ҳайратлантириб, бошқасини нафратлантирди.

— Нега картошкангни арзон баҳолаб, савдомизни синдираяпсан, — деярди бақувватроғи ўшқариб.

— Тезроқ сотмасам, далада иш қолиб кетади-да, ака, — хижолатомуз жавоб қайтарган бўлди иккинчиси.

Даладан келган сотувчини бозордаги «деҳқонлар» роса сийлашди. Ур-сурдан ташқари беш-олти қоп картошқасини улар кўлига сувтекинга тутқазиб қўйганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Эҳ, аттанг, пишиқчиликда бозорнинг нархи ва аҳволи шу бўлса, далада нима гаплар экан-а, — дея гудранарди воқеани кузатиб турган отахон.

Эсингиздасиз, ҳукуматимиз ўн бир йил аввал соҳани ривожлантириш мақсадида Голландия давлатидан картошқанинг бир неча хил навини валюта ҳисобига олиб келганди. Шундан сўнг Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё, Тошкент ва Сурхондарё каби вилоятларда уни кўпайтириш ҳамда районлаштиришга киришилди. Дастлабки саъй-ҳаракатлар ёмон бўлмади. Кўзни қамаштирувчи тансиқ маҳсулотнинг мўллимидан бозорларда унинг нархи йил давомида ўзгармаганини кўпчилик яхши билади.

Бироқ ўрага сичқон тушди, гулдур-гуп, деганларидек, навларни маҳаллийлаштиришга на мутасадди ташкилотлар, на ширкат хўжаликлари эътибор қаратди. Натижада катта маблағ ва қийинчиликлар ҳисобига четдан келтирилган бойлик ўз-ўзидан барбод бўлди.

Лекин деҳқон қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Истеъмол бозорини тўлдириш ва одамлар ҳолатини чиқариш учун ҳаракат қилаёпти. Оққўрғондаги «Покиза-М» фермер хўжалигини яхши биламан. Бугдўйни саранжомлаб олгандан сўнг, ҳеч иккиланмай ҳисоб рақамидаги 30 миллион сўмга Голландиядан келтирилган картошка уругини олиб эқди. Шунча пулга куйиб қолишдан чўчимади, таваккал қилди. Ривожи ёмон эмас. Технологияси бўйича ишлов бераёпти. Айтишларича, агротехник тадбирларга риоя қилинса, ана шу нав гектари-дан 30 дан 70 центнергача ҳосил берааркан.

Мазкур фермер хўжалиги сингарилар кўпаяверса, демак, картошка етиштириш бўйича муаммо қолмайди. Аммо бозорларда-чи? Ўроқда йўқ, хирмонда ҳозир-нозир бўлаётган «деҳқон»лар кимнинг эркаси? Ноз-неъматларнинг се-роблигига қарамай, нархларни сунъий равишда ошириб юборётган олибсотарлар картошка истеъмол қилишмайди?

Пойтахтдаги шаҳар бозорлари уюшмаси ва унинг жойлардаги вакиллари, вилоятлардаги шу соҳа мутахассислари нима дейишаркин?

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,  
Тошкент шаҳри

## Шаҳс ва баҳс

# «ХАШАКИ» МУХБИРЛАР КЎПАЯВЕРСА санъаткорда не гуноҳ?

Истиқлол йилларида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ва журналистга «Тўртинчи ҳокимият» мақомининг берилиши, эркин ижодни шакллантириб, ислохотлар жараёнида қаламқашлар фаоллигини оширишга имкон берди. Боз устига оммавий ахборот турлари, хусусан, газеталар сони кўпайди. Ҳозирги кунда истаган киши қурби етса, газета очилиши мумкин ва унинг ҳуқуқи қонун билан кафолатланган. Аммо бир яхшининг ёмони ҳам бўларкан.

«Хонандалар нега «сариқ матбуот»нинг эрмагига айланишмоқда» сарлавҳали мақолани ўқигач, яхши ниятда ташкил этилаётган газеталар бачканасифат бўлиб қолишига айбдор санъаткорми ёки журналист, деган савол кўнгилдан ўтди.

Нашрлар сони кўпайгани сари ижодкорга эҳтиёж сезилиши турган гап. Шу ўринда бир мисолга тўхталмоқчиман: танишларимдан бири мутахассислиги бўйича анча йиллар ветврач бўлиб, чорва фер-

масида ишлади. Бир куни қарасак, қўлида каттагина сумка, эгнида оқ кўйлак, бўйинида бўйинбоғ тақиб олибди. Суриштирсак, марказий газеталардан бирида мухбир бўлиб ишлаётган экан. Умирида бирорта ахборот ёки лавҳа ёзиб кўрмаган чорвадорнинг бир думалаб мухбирга айланиб қолганидан ҳайратландик: элга маънавият сарчашмаларини улашувчи масъулиятли жойда наҳотки дуч келган одамнинг ишлашига имконият яратиб берилаверса? Ахир, мухбирликка даъвогар киши аввало талантли, сўнг шу соҳага тайёрловчи олий даргоҳда матбуотчилик сир-саноатини ўрганган бўлиши керак эмасми?

Фикримча, кадрлар танлашдаги безъэтиборлик ва айрим газеталарда босилаётган олди-қочди нарсалар ўқувчига маънавият улашиш ўрнига акс таъсир қиляпти. Шундай бўлгач, санъаткорда нима айб, кўпроқ матбуотчиларнинг ўзидан ўпқалаш керак.

Элдорбек ИСМОИЛОВ,  
Фарғона вилояти

# САНЪАТНИНГ СИРЛАРИ КЎП, БИРОҚ...

Таниқли хофизни йўқлаб, уйига борганимизда «Даракчи»нинг 34-сонини варақлаб ўтирган экан. Бир пиёла чой баҳона анча суҳбатлашдик.

— Газетангизда босилган «Хонандалар нега «сариқ матбуотнинг эрмагига айланишмоқда» сарлавҳали мақолани ҳам ўқиб чиқдим, — деди у. — Аммо боппабсизлар. Мен матбуотдан кўра кўпроқ санъаткорларни назарда тутаяпман, — қўшиб қўйди у ва бир воқеани сўзлаб берди.

Хофизнинг таъкидлашича, ёш раққоса тезроқ элга танилиш учун бир неча бор телевидениега чиқишга интилган. Бироқ бунга ҳали тайёр эмаслиги боис, мақсадига эришолмаган. Сўнг отарчиларга қўшилиб, тўйма-тўй юриш, шу йўл билан танилишга жазм қилибди. Бир куни катта даврадан оёқда зўрга турган ҳолда одамлар уни суяб олиб чиқишайтганини кўрганлар «афсус, тўйда юрмаганда шу қиздан жуда зўр раққоса чиқарди» деб қолишибди...

Кейинги даврда ёш санъаткорларнинг айрим газета саҳифаларида ўзини тез-тез реклама қилиши, суҳбатлар уюштириши кўпқари майдонида улоқ учун курашаёт-

ган чавандозлар ҳолатини эслатади. Шунингдек, сўз усталари, қизикчилар ҳам бу борада ҳамкасбларидан қолишмаётган кўринади. Масалан, «Кросс», «Ҳазина» каби нашрларда бериб борилаётган айрим бачкана латифалар одамларга маънавий озуқа беради, деб бўлмайди.

«Даракчи»да жинзалик санъат мухлиси Р. Аҳмедов «Феруза, сенинг овозинг, қўшиқларинг ажойиб, миллий эстрадамининг гулисан. Бироқ саҳнада чиққанингда ярим яланғоч қизларнинг орқанга туриб рақс тушгани мантиққа тўғри келмабди» деб ёзганидан сўнг мухлис танбеҳини тўғри тушунган санъаткор саҳна мотивини ўша заҳотиёқ ўзгартирди ва жараёндан воз кечди.

Умуман, санъаткорларимизнинг миллийликка хос бўлмаган чиқишлари жуда кўп жойларда танқид қилинаёпти. Шунга қарамай, у барҳам топмаётгани таажубланарли. Яна бир гап: бундай мавзудаги чиқишларни санъаткорларнинг ўзи истамаса, мухбир уни мажбур қилолмайди-ку.

Шухратжон КЕЛДИЕВ,  
Андижон вилояти

### ✓ Ҳикоя

Кекса Потапов Татьяна Петровна уникага кўчиб келгандан сўнг, икки ой ўтмай вафот этди. У уйда қизчаси ва кекса энага билан қолди.

Уй кичкина — уч хонадан иборат бўлиб, тоққа яқин, шаҳардан чиқаришдаги йўл ёқасига жойлашганди. Унинг орқасидан қўл оқариб кўриниб турарди.

Татьяна Петровна Москвадан келиб, бу нотаниш шаҳарчанинг кичкина уйчалари, гичирлаб очилдиган эшикчасию, жим-жит кўчаларига анча вақтгача ўрганолмай юрди.

«Қанақанги аҳмоқман, — йиларди Татьяна Петровна, — нега Москвадан кетдим, театрни, танишларни ташлаб... Вой, худойим-эй.»

Тез орада у кичкина шаҳарчадаги бегона уйга кўчканди. Деворлардаги саргайиб кетган суратлар ва созланмаган роялга ўрганиб қолди. Кекса Потапов кораблда механик бўлиб ишлаганди. Унинг мовут қопланган ёзув столида «Громобой» крейсераининг модели турарди. Қачонлардир бу крейсерада у сўзганди. Унинг нарсаларига тегишга ҳеч кимга рухсат берилмасди.

Татьяна Петровна кекса Потаповнинг Қора денгиз флотига хизмат қилувчи ўғли борлигини биларди. Столдаги крейсер макетининг ёнида унинг расми бор эди. Баъзида Татьяна Петровна суратни олар, қошларини чимириб уйга толарди. Суратдаги бу йигитнинг чехраси жуда танишдек туюларди. Денгизчи унга ўйчан, кулимсираган кўзлари билан тикилиб:

— Нахотки қаерда учрашганимизни эслолмаётган бўлсангиз, — дегандек қараб турарди.

— Йўқ, эслолмаяпман, — секингина пичирлади Татьяна Петровна.

— Ойи, ким билан гаплашяпсан, — кичқирди кўшни хонадан Варя.

— Роял билан, — кулимсираб жавоб берди Татьяна Петровна.

Қишининг ўрталарига келиб, Потапов номига бир хил дастхатда ёзилган хатлар кела бошлади. Татьяна Петровна уларни ёзув столига тахлаб қўя бошлади. Бир куни кечаси у уйғониб кетди. Деразадан оппоқ қор ялтираб кўринарди.

Татьяна Петровна халатини кийиб, Потаповнинг хонасига кирди. Столдаги шамни ёқиб, креслога ўтирди. Кейин у биттагина хатни астагина олиб очди, ўқий бошлади.

«Азиз отажон, мана бир ойдирки, мен госпиталда ётибман. Ярам жуда оғир. Тез орада битиб кетса керак. Безовта бўлма ва сигарет кетидан сигарет тутатма. Ўтиниби сўрайман. Сени тез-тез эслаб тураман. Уйимизни, шаҳарчани ҳам. Ҳозир буларнинг ҳаммаси мен учун дунёнинг нариги чеккасида жойлашгандек узокда.

Госпиталдан бўшатишса, озгина вақтга уйга юборишлари мумкин. Яна билмадим. Яхшиси кутма».

Татьяна Петровна анчагача стол ёнида ўтирди-да, кўзларини катта-катта очиб,

дераза ортидаги оппоқ қорга тикилди. Эрта-индин фронтдан нотаниш киши келиб қолиши мумкинлигини ва у билан кўришиш ниҳоятда оғир бўлишини ҳам биларди.

Эрталаб Татьяна Петровна Варяга белкуракни бериб, жар тепасидаги шийпонгача бориладиган йўлни тозалаб қўйишни илтимос қилди. Шийпон жудаям тартибсиз холда эди.

### Константин ПАУСТОВСКИЙ

# Қор

Қундузи Татьяна Петровна шаҳардан примус, керосинка ва роял тузатувчи руслашиб кетган чех устани бошлаб келди. Унинг фамилияси жуда кулгули — Ненавидель эди.

Роялни созлаб бўлган чех, унинг эскилигини, лекин жуда яхши ишланганлигини айтди. Буни Татьяна Петровнанинг ўзи ҳам биларди.

У кетгандан кейин Татьяна Петровна ёзув столидан бир қути шамни топди. Уларни роял устида турган шамдонга ўрнатди. Кечки пайт уларни ёқиб, роял ёнига ўтирди. Уй мусиқа садоларига тўлди.

Татьяна Петровна куйни тугатиб, шамларни ўчирганда хонани арча байрами кунларидагидек хид тутиб кетди.

Вера чидаб туролмай Татьяна Петровнага:

— Нега бегона нарсаларга тегаёпсан. Менга рухсат бермай ўзинг эса... Қўнги-роққа ҳам, роялга ҳам, шамларга ҳам тегинг, — деди ундан ўпкалаб.

— Чунки мен каттаман, — жавоб берди Татьяна Петровна.

Варя ишонқирамай тикилди. Ҳозир Татьяна Петровна катталарга ўхшамасди. Унинг бутун вужуди кулиб турар, туфлисини саройда йўқотиб қўйган олтин сочли қизга ўхшаб кетарди. Бу эртани Татьяна Петровнанинг ўзи Варяга айтиб берганди.

\*\*\*  
Поезднинг ўзидаёқ лейтенант Потапов отасининг уйда бир суткадан ортиқ туролмаслигини биларди. Таътили жуда қисқа, кўп вақт йўлга кетарди.

Поезд шаҳарга қундузи кириб келди. Вокзалда лейтенант станция бошлиғидан отасининг бир ой муқаддам вафот этганини, уйларида Москвадан келган ёш қўшиқчи аёл қизчаси билан яшаётганини эшитди.

— Эвакуация қилинганлардан, — деди станция бошлиғи.

Потапов ойнадан кўчага тикилганча ўтирарди. Ташқарида пийма ва пўстин кийган йўловчилар юришарди. Унинг боши айланарди.

— Ҳа, — деди станция бошлиғи, — отанг оқ кўнгил инсон эди. Сени кўриш унга насиб этмади.

— Поезд қачон бўлади, — зўрга сўради Потапов.

— Эрталаб, соат 5 да, —

жавоб берди станция бошлиғи ва бироздан сўнг қўшиб қўйди:

— Кампирим жой тайёрлаб беради. Уйга боришинг ни ҳожати йўқ.

— Раҳмат, — дея Потапов чиқиб кетди.

Темир йўл бошлиғи унинг орқасидан ачингансимон бош чайқаб қолди.

Потапов шаҳар орқали дарёга жўнади. Булутли осмон билан ер ўртасида

қор учкунлари учиб юрарди. Қоронғулик тушди.

— Уйда нима ҳам қилдим, — ўйлади Потапов. — Кечикдим.

Энди буларнинг ҳаммаси — шаҳарча, дарё уй ҳам бегона.

У ўгирилиб шаҳар томон тикилди. У ёқдан боғча, уй қорайиб кўриниб турарди. Унинг мўрисидан тутун кўтарилар, шамол тутунни мовий кўл томон ҳайдарди.

Потапов астагина уй томон юрди. Уйга кирмасдан, фақатгина

ёнидан ўтиб кетишга аҳд қилганди. Боғчани ва эски шийпончани жуда-жуда соғинганди. Ҳозир отасининг уйда бегона, софдил кишилар яшаётганини ҳам биларди. У тўсатдан бир қарорга келди. Ҳеч нарсани кўрмагани яхши. Кетиш, ҳаммасини унутиш лозим. Лекин қандайдир бир ички туйғу бунга изн бермасди.

Потапов иккиланиб ҳовлига яқинлашди. У секингина эшикчани очди. Эшикча гичирлади. Шийпончага борадиган йўл тозаланганди. Потапов шийпонгача яқинлашиб, панжарага суянди. Ҳаммаёқ жим-жит, фақатгина пастликдаги ялангликда сувга кетаётган хотинларнинг овози эшитиларди.

Потапов панжарага суянганча астагина шивирлади:

— Бундай бўлиши мумкин эмас. Қандай қилиб...

Кимдир Потаповнинг елкасига қўлини қўйди. У ўгирилди. Унинг орқасида иссиқ рўмол ўраган, ёшгина, жиддий киёфали аёл синовчан тикилиб турарди.

— Шапкангизни кийинг, — деди аёл, — шамоллаб қоласиз. Юринг уйга, ҳовлида туриш ярамайди.

Аёл унинг қўлигидан олиб, тозаланган йўлка бўйлаб юриб кетди. Потапов кираверишда тўхтади. Унинг томоғини нимадир сиқиб келар, нафас олиши қийинлашарди. Аёл астагина шивирлади:

— Ҳечқиси йўқ. Ҳозир ҳаммаси ўтиб кетади, — деди.

У полга депсиниб, оёқ кийимидаги қорни туширди.

Эшик очилиши билан қўнғироқнинг жаранги эшитилди. Потапов чуқур хўрсинди.

— Юринг, — деди Татьяна Петровна ва уни ошхонага бошлаб кирди.

Хона ўртасидаги идишда қудуқ суви, қозикда эса қарағай баргининг расми туширилган сочиқ осиглик турарди.

ёритарди. Потапов хонанинг у бурчагидан бу бурчагига юраркан, бирдан тўхтади.

— Йўқ, ҳеч эслай олмаяпман, — деди у шивирлаб.

Потаповга уйдаги диванга жой солиб беришди. Унинг ҳеч уйқуси келмасди. Уйда ўтаётган ҳар бир дақиқа унга қимматли туюлар ва шу онларни йўқотишни истамасди.

У ётаркан соат чиқиллашига, Татьяна Петровнанинг энага билан нариги хонада шивирлаб гаплашишларига кулоқ солиб ётди. Шивир-шивир тўхтади. Энага кетди. Қўшни хонада чироқ ўчмади. У Татьяна Петровнанинг китоб ўқиб ётганини тахмин қилди. Потапов уни эрталаб поездга уйғотиш учун ухламаётганини сезди.

Соат тўртларда Потаповни уйғотди.

— Вақт бўлди, туринг, — деди ва қўшиб қўйди, — зўрга уйғотдим, лекин начора...

У Потаповни станциягача кузатиб қўйди. Иккинчи қўнғироқдан сўнг улар хайрлашдилар. Татьяна Петровна Потаповнинг иккала қўлини ушлаб:

— Ёзиб туринг. Ахир биз энди қариндошлардек бўлиб қолдик-ку, тўғрими?, — деди.

Потапов ҳеч нарса демай, бош силкиди.

Бир неча кундан сўнг Татьяна Петровна Потаповдан хат олди. У хатни йўлдан ёзиб юборганди.


— Сиз билан учрашган жойимни эсладим, — деб ёзибди у. — Бу ҳақда уйда айтгим келмаганди. Эслайсизми?.. Крим, 1927 йил. Куз. Ливандий парки.

Мусаффо осмон, денгиз. Мен сўқмоқ бўйлаб кетардим. Йўлка чеккасидаги ўриндикда бир қизча олтиларда бўлса керак. У мен томон юра бошлади. Тўқнаш келганимизда унга тикилдим. У ёнимдан қўлидаги китобини кўксига босганча ўтиб кетди. Тўхтадим ва унинг орқасидан анчагача қараб қолдим. Бу қизча сиз эдингиз. Янглишим мумкин эмас. Орқангиздан қараб қолар эканман, ёнимдан ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин бўлган ва менга олам-олам бахт ато этадиган кишининг ўтганини сездим. Шу қизни умримнинг охиригача севиб қолишим мумкинлигини юрагим сезиб турарди. Сизни қидириб топишим зарурлигини ўша пайтдаёқ сезгандим. Ўша онда юрай дердим-у, жойимдан қимирламасдим. Шу-шу Кримни, ўша сўқмоқни севиб қолдим. Ҳаёт менга сахийлик қилди — сизни яна учратдим. Ҳаммаси яхши бўлса, мени ҳаётим керак тугаса, у сизники бўлади. Айтгандек, отамнинг столида мен очиб ўқилган хатни кўрдим. Ҳаммасига тушундим ва сизга миннатдорчилик билдириб қоламан».

Татьяна Петровна хатни конвертга соларкан, ойнадан қор босган боғчага қаради ва астагина:

— Вой худойим, ахир Кримда бўлмаганман-ку! Ҳеч қачон. Дарвоқе, бўлган бўлмаганлигининг энди ҳожати ҳам йўқ. Ахир буни унга ишонтириб бўладими? У кулиб, кафтлари билан юзини беркитди.

Русчадан  
Неъмат РАФИҚОВ  
таржимаси



Хафталик TV дастури 9-15 октябр

Душанба 9

O'ZBEKISTON

Хурматли телетомоабилар! Профилактика муносабати билан душанба, 9 октябр кунин О'ЗБЕКИСТОН телерадиоканали, уз курсатуларини соат 14.55 дан бошлайд...

YOSHLAR

15.55 Дастур очилдиши. 16.00 Давр. 16.15 Интерфутбол. 17.50 UzEX.

YOSHLAR

15.55 Курсатулар дастури. 6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

YOSHLAR

5.55 Дастур очилдиши. 6.00 ЯНГИ ТОНГ. 8.00 «Милли уз».

19.00 Давр. 19.30 Наво-SMS. 19.40 «Сехрли тош». Сериал.

TOSHKENT

17.55 Курсатулар тартиби. 18.00 Мультфильм. «Покахонтас».

SPORT-TV

7.00 «Бардам бўлинг». 8.00 «Версия». Информацион-таҳлилий курсату.

18.00 «Умидли ёшлар». Хужжатли фильм. «O'zbektelefilm».

ПЕРВЫЙ

4.00 Телеканал «Доброе утро» 8.00 Новости 8.05 «Малахов+»

РОССИЯ

4.00 «Доброе утро, Россия!». 7.45 Михаил Ульянов, Евгений Лебедев, Сергей Гармаш и Мария Уринова...

12.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ. 13.00 ВЕСТИ. 13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.

ТВ-3

7.30 Про кино. 8.00 Мультсериал «Великолепная четверка».

СТС

7.00 «НОВАЯ ЖАННА Д'АРК». Многосерийный художественный фильм.

7.45 «Как лечить Удава». Мультитипикационный фильм. 7.55 «Смешарики».

НТВ

5.00 Информационный канал «СЕГОДНЯ УТРОМ».

12.00 «СЕГОДНЯ». 12.30 Комедия «МАМА, НЕ ГОРИЮ!».

DTV

7.30 Мультфильмы. 9.00 Самое смешное видео. 9.30 Фильм-расследование «Как уходили кумиры».

Сешанба 10

O'ZBEKISTON

5.55 Курсатулар дастури. 6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

YOSHLAR

16.40 «Эртактлар - яхшиликка етаклар». 17.00 «Ахборот».

YOSHLAR

5.55 Дастур очилдиши. 6.00 ЯНГИ ТОНГ. 8.00 «Милли уз».

9.10 Минг бир чўпчак: «Шоҳ Султон ҳақида эртакт».

SPORT-TV

7.00 «Бардам бўлинг». 8.00 «Хабарлар» (рус. тилида).

ПЕРВЫЙ

4.00 Телеканал «Доброе утро» 8.00 Новости 8.05 «Малахов+»

20.15 «Анонс». 20.20 «Эрудит» (рус).

SPORT-TV

7.00 «Бардам бўлинг». 8.00 «Хабарлар» (рус. тилида).

ПЕРВЫЙ

4.00 Телеканал «Доброе утро» 8.00 Новости 8.05 «Малахов+»

4.00 «Доброе утро, Россия!». 7.45 «Родить вуддеркинда».

РОССИЯ

4.00 «Доброе утро, Россия!». 7.45 «Родить вуддеркинда».

ТВ-3

7.30 Про кино. 8.00 Мультсериал «Великолепная четверка».

6.30 Релакс. 7.00 Победоносный голос.

СТС

7.00 «НОВАЯ ЖАННА Д'АРК». Многосерийный художественный фильм.

НТВ

5.00 Информационный канал «СЕГОДНЯ УТРОМ».

12.30 Сериал «АВТОНОМКА». 13.30 Сериал «МЕНТОВСКИЕ ВОЙНЫ-2».

DTV

7.30 Мультфильмы. 9.00 Самое смешное видео. 9.30 Фильм-расследование «Как уходили кумиры».

Чоршанба 11

O'ZBEKISTON

5.55 Курсатулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

10.00 Давр. 10.15 «Елгон асираси». Серил. 11.00 «Ватангарар» дастури.

TOSHKENT

7.25 Курсатулар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнглинлар инфор-

YOSHLAR

5.55 Дастур очилиши. 6.00 ЯНГИ ТОНГ. 8.00 «mtk.uz».

20.00 «Пойтахт» ахборот дастури (рус) 20.15 «Анонс».

SPORT-TV

7.00 «Бардам бўлинг». 8.00 «Хабарлар» (рус тилида) 8.20 «Болалар спорти».

ПЕРВЫЙ

4.00 Телеканал «Доброе утро» 8.00 Новости 8.05 «Малахов +»

1.30 «Песни нашего двора». Документальный фильм 2.00 Время

РОССИЯ

4.00 «Доброе утро, Россия!». 7.45 «Тайны Боллмудра».

ТВ-3

7.30 Про кино. 8.00 Мультисериал «Великолепная четверка».

0.00 Серил «ЧИСЛА». 7-я серия. 1.00 Серил «СЕМЬЯ СОПРАНО»

СТС

7.00 «НОВАЯ ЖАННА Д'АРК». Многосерийный художественный фильм.

НТВ

5.00 Информационный канал «СЕГОДНЯ УТОМ».

9.00 «СЕГОДНЯ». 9.20 «ОСОБО ОПАСЕН!» 10.00 ПРЕМЬЕРА. Серил «ВСЕ ВКЛЮЧЕНО»

DTV

7.30 Мультфильмы. 9.00 Самое смешное видео. 9.30 Фильм-расследование «Как уходили кумиры».

Пайшанба 12

O'ZBEKISTON

5.55 Курсатулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

8.45 Минг бир чўнчақ: «Олтин калитча». 10.00 Давр.

TOSHKENT

7.25 Курсатулар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнглинлар инфор-

20.15 «Анонс». 20.20 «Эрудит» (рус) 20.35 «Гилдиракли уй».

SPORT-TV

7.00 «Бардам бўлинг». 8.00 «Хабарлар» (рус тилида) 8.20 «Болалар спорти».

ПЕРВЫЙ

4.00 Телеканал «Доброе утро» 8.00 Новости 8.05 «Малахов +»

2.30 «Отпуск. Билет в один конец». Документальный фильм

РОССИЯ

4.00 «Доброе утро, Россия!». 7.45 «Красный граф Алексей Толстой».

ТВ-3

7.30 Про кино. 8.00 Мультисериал «Великолепная четверка».

5.00 Серил «СЕМЬЯ СОПРАНО» в правильном переводе Гоблина.

СТС

7.00 «НОВАЯ ЖАННА Д'АРК». Многосерийный художественный фильм.

НТВ

5.00 Информационный канал «СЕГОДНЯ УТОМ».

12.00 «СЕГОДНЯ». 12.30 Серил «АВТОНОМКА» 13.30 Серил «МЕНТОВСКИЕ ВОЙНЫ-2»

DTV

7.30 Мультфильмы. 9.00 Самое смешное видео. 9.30 Фильм-расследование «Как уходили кумиры».

Жума

13

O'ZBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

ла Транзисторияда». 10.00 Давр. 10.15 «Елгон асираси». Серилал...

TOSHKENT

7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар ин-формацион мусикий дастур...

YOSHLAR

5.55 Дастур очишти. 6.00 ЯНГИ ТОНГ. 8.00 «mtrk.uz»...

лар йили: «Саломат бўлинг». 20.00 «Пойтахт» ахборот дастури (рус)...

SPORT-TV

7.00 «Бардам бўлинг». 8.00 «Хабарлар» (рус тилида) 8.20 «Болалар спорти»...

ПЕРВЫЙ

4.00 Телеканал «Доброе утро» 8.00 Новости 8.05 «Малахов +»...

РОССИЯ

4.00 «Доброе утро, Россия!». 7.45 «Мой серебряный шар. Вера Глаголева»...

ТВ-3

7.30 Про кино. 8.00 Мультсериал «Великолепная четверка»...

СТС

7.00 «НОВАЯ ЖАННА Д'АРК». Многосерийный художественный фильм. 7.45 «Зарядка для хвоста»...

НТВ

5.00 «Информационный канал «СЕГОДНЯ УТРОМ»...

DTV

7.30 Мультфильмы. 9.00 Самое смешное видео. 9.30 Фильм-расследование «Как уходили кумиры»...

Шанба

14

O'ZBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

10.00 Давр. 10.15 Интерфутбол. 12.00 ЯНГИ КҮН. 13.00 Давр...

TOSHKENT

7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар ин-формацион мусикий дастур...

YOSHLAR

5.55 Дастур очишти. 6.00 ЯНГИ ТОНГ. 8.00 «mtrk.uz»...

20.00 «Пойтахт» ахборот дастури (рус) 20.15 «Анонс»...

SPORT-TV

7.30 «Хабарлар». 7.50 «Бардам бўлинг». 8.50 «Хабарлар» (рус тилида)...

ПЕРВЫЙ

5.00 Новости 5.25 «Звезды эфира». Аркадий Райкин 5.55 Борис Галкин...

РОССИЯ

5.00 «Доброе утро, Россия!». 7.00 ВЕСТИ. 7.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА...

ТВ-3

7.30 Российские мультфильмы. 10.00 Художественный фильм «ЧАРЛИ ОДИНОКИЙ КУГАУР»...

СТС

7.00 «СДЕРЖАТЬ ОБЕЩАНИЕ». Художественный фильм. 8.30 «Аргонавты»...

НТВ

4.25 Комедия «КРОКОДИЛ ДАНДИ» (Австралия) 6.05 Детское утро на НТВ...

12.00 «СЕГОДНЯ». 12.25 «ОСОБО ОПАСЕН!» 13.00 Серилал «МАРШ ТУРЕЦКОГО - 3»...

DTV

8.00 Серилал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ». 97-я серия. 8.30 Серилал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ». 98-я серия...

# Якшанба 15

## O'ZBEKISTON

- 5.55 Курсатулар дастури.
- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
- 8.00-8.35 «Ахборот».
- 8.35 ТВ анонс.
- 8.40 Олтин мерос.
- 8.45-«Навоий ҳақида ривоятлар».
- «Болалар сайраси»: «Уяла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
- 2. «Чиннинг саргузаштлари».

- 10.15 2006 - Ҳомийлар ва шифокорлар йили. «Саломатлик сирлари».
- 10.35 «Ҳажвия бисотида».
- 10.55 «Меҳр кўзда».
- 11.35 ТВ анонс.
- 11.40 «Бог'он». Бадий фильм. 1-қисм (Ҳиндистон).
- 13.15 «Дил таронаси».
- 13.20 «Бог'он». Бадий фильм. 2-қисм (Ҳиндистон).
- 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.

- «Болалар сайраси»: «Олтин тож». Телеуйин.
- 15.55 ТВ анонс.
- 16.00 «Ибн Сино издошлари».
- 16.30 «Жаллоқ». Ҳажвий курсатув.
- 17.00 «Интеллектуал ринг».
- 17.45 «Минг бир ривоят».
- 17.50 «Рамазон тухфаси».
- 18.10 Олтин мерос.
- 18.15 «Бор». Телесериал.
- 19.00 «Одами эрсанг».
- 19.20 «Дунё иқлими».
- 19.25, 20.00, 20.55, 21.40 Эълонлар.
- 19.30 «Тахлинома» (рус тилида).
- 20.05 «50х50». Ток-шоу.
- 20.50 «Дунё иқлими».
- 21.00 «Тахлинома».
- 21.45 ТВ анонс.
- 21.50 «Кўча оҳанглари».
- 22.10 «Хёт давом этади».
- 22.30 «Қўшиқман, муҳаббат» (SMS. Овоз берди).
- 22.40 «Кўча совурилган пуллар». Бадий фильм.
- 24.00-00.05 Тунги наволар.

## YOSHLAR

- 5.55 Дастур очилиши.
- 6.00 «Севги афсонаси». Бадий фильм (Ўзбекистон-Ҳиндистон).
- 8.10 «Ошўфта». Гули Асалқўжаева.
- 8.40 Давр-репортаж.
- 8.50 «Камолот» хабарлари.
- 9.00 «Ватанпарвар» дастури.
- 10.00 Journal.

## SPORT-TV

- 10.20 Оҳанрабо.
- 11.00 Эрта бугундан бошланади.
- 11.50 Ватаним!
- 11.55 Радиодан курсатамиз.
- 12.15 Ватан мадҳи.
- 12.45 Кулни кирк ёриб.
- 13.30 Анонс.
- 13.35 Ҳандалак.
- 13.55 Кино-SMS.
- 14.00 Жаҳон киноси: «Геклберри Фин саргузаштлари».
- 15.50 Ринг кироллари.
- 16.40 Чемпион сирлари.
- 17.00 «Гарфилд-2». Мультфильм.
- 18.40 Дилрабо.
- 18.55 Иқлим.
- 19.00 Давр ҳафта ичида.
- 19.30 Эълонлар.
- 19.35 Наво-SMS.
- 19.55 Ватаним!
- 20.00 Орзулар майдони.
- 20.30 «Кўнгли кулар». Равшан Комилов.
- 21.00 «Ортиқча клиникаси. 5-қисм».
- 21.30 CINEMANIYA.
- 22.00 Жаҳон киноси: «Фантомас «Скотланд-Ярд»га қарши».
- 23.45 - 23.50 Орзулар бекати.

## TOSHKENT

- 7.25 Курсатулар тартиби.
- 7.30 Салом, Тошкент! Кўнгли очар информация мусиқий дастур.
- 8.30 «Анонс».
- 8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
- 9.15 «Телекурьер-маркет».
- 9.30 «И. В. Хаббарлар».
- 9.45 «Анонс».
- 9.50 «Интервью».
- 10.00 «Афиша».
- 10.10 «Оливер ва унинг дўстлари». Мультфильм.
- 11.25 Мусика SMS.
- 11.45 Кино: «Спарт литл».
- 13.15 «Камин олдида суҳбат» /рус/.
- 13.45 «Топ гид. Валенция». Маърифий дастур /рус/.
- 14.10 «Анонс».
- 14.15 Кино: «Имкон чегараси» /рус/.
- 16.10 «Эрудит» /рус/.
- 16.25 «Авто-ҳамкор». Ҳужжатли фильм /рус/.
- 16.50 «Телекурьер-маркет».
- 17.10 «Анонс».
- 17.15 Кино: «Фаройиб тўти Полли».
- 18.45 «Анонс».
- 18.50 Мусика SMS.
- 19.10 «Мулоҳаза учун мавзу».
- 19.40 «Санъат гулшани».
- 20.00 «Анонс».
- 20.05 «Нима учун?».
- 20.35 «Дилкаш наволар»: Исроиил Сандумала.

## ROSSIA

- 4.45 Юрий Каморный и Лев Перфилов в детективе «Будни уголовного розыска». 1973г.
- 6.25 «Здоровье».
- 6.35 «Сельский час».
- 7.00 ВЕСТИ.
- 7.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
- 7.20 «Диалоги о животных».
- 7.55 «Котенок с улицы Лизюкова». Мультфильм.
- 8.05 Михаил Пореченков, Николай Караченцов, Алексей Булдаков, Елена Яковлева и Андрей Федорцов в фильме Аллы Суриковой «Тайна «Волчьей пасти». 2004г.
- 10.00 ВЕСТИ.
- 10.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
- 10.20 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
- 10.50 «Сам себе режиссер».
- 11.45 «Смехоланорама Евгения Петросяна».
- 12.15 «Парламентский час».
- 13.00 ВЕСТИ.
- 13.20 «Фитиль N 104». Сатирический тележурнал.
- 14.10 Андрей Ростоцкий, Лариса Лужина, Вера Солнцова, Юрий Назаров, Георгий Юнатов, Борис Токарев, Майя Булгакова и Любовь Соколова в фильме «Внимание! Всем постам...». 1985г.
- 15.45 «Форт Боярд».
- 17.25 «Танцы на льду». Финал. Прямая трансляция гала-концерта.
- 19.00 «ВЕСТИ НЕДЕЛИ с Сергеем Брилевым».
- 20.00 «Специальный корреспондент».
- 20.25 СДЕЛАНО В РОССИИ. ПРЕМЬЕРА. Олег Гущин, Алена Свиридова, Дмитрий Шевченко, Римма Зюбина и Ольга Битоцкая в остросюжетном фильме «Смерть по завещанию». 2006г.
- 22.20 ПРЕМЬЕРА. Николай Басков и Монсеррат Кабалье. Юбилейный концерт.
- 0.00 СЕРИАЛ ДНЯ ПОЛНОЧНИКОВ. ПРЕМЬЕРА. Телесериал «Взгляды» (США). 2005г. до 23.43

## ПЕРВЫЙ

- 5.00 Новости
- 5.30 Олег Фомин, Виктор Проскурин в детективе «Убить лицедея».
- 6.55 Искатели. «Клад Степана Разина».
- 7.40 «Армейский магазин».
- 8.10 «Унижды и унижи».
- 9.00 Новости
- 9.20 «Непутевые заметки» с Дмитрием Крыловым
- 9.35 «Пока все дома»
- 10.30 Елена Сафонова, Виталий Соломин в фильме «Зимняя вишня».
- 13.00 Новости (с субтитрами)
- 13.10 Фильм «Зимняя вишня». Продолжение
- 14.10 Воскресный «Ералаш».
- 14.45 «КВН-2006». Летний Кубок
- 17.00 «Времена» с Владимиром Познером
- 17.55 «Ефим Шифрин. Юбилей артиста».
- 20.00 Воскресное «Время». Информационно-аналитическая программа
- 20.45 Жан-Клод Ван Дамм в фильме «Возвращение универсального солдата».
- 22.20 Дэн Эйкройд в мистическом триллере «Земля против паука».
- 23.45 Андрей Миронов, Евгений Евстигнеев в комедии «Невероятные приключения итальянцев в России».
- 1.35 «Пока все дома».
- 2.15 Фильм «Прости - прощай». Ст. редактор Вильницкая Т.А. Тел. 540-55-86, 24-11

## СТС

- 7.00 «РЕБЕНОК-ПОЛИЦЕЙСКИЙ». Художественный фильм.
- 8.30 «Возвращение с Олимпа». Мультпликационный фильм.
- 8.55 «Пинокио». Многосерийный мультипликационный фильм.
- 9.20 «Смешарики». Многосерийный мультипликационный фильм.
- 9.30 «Пепли Длинныйчулок». Многосерийный мультипликационный фильм.
- 10.00 Улица Сезам.
- 10.30 «Ясон и герои Олимпа». Многосерийный мультипликационный фильм.
- 11.00 Кино на СТС. «ДЕЙСТВИЕ, СЕСТРА! ОПЯТЬ ЗА СВОЕ».
- 13.00 «Жизнь прекрасна». Музыкальное ток-шоу. Ведущие - Лена Перова и Михаил Шведько.
- 15.00 «Снимите это немедленно». Развлекательная программа с элементами реалити-шоу. Ведущие - Саша Вертинская и Таша Строгая.
- 16.00 Фильмы производства ВВС. «Библейский код».
- 17.00 «Истории в деталях». Специальный выпуск.
- 17.30 «КАДЕТСТВО». Многосерийный художественный фильм. Повторный показ серий от 9 - 13 октября.
- 22.00 Кино на СТС. «ЗВЕЗДА СЦЕНЫ».
- 23.45 «Слава Богу, ты пришел!» Юмористическое импровизационное шоу. Ведущие - Михаил Шац, Александр Цекало.
- 1.00 Кино на СТС. «КОКТЕЙЛЬ».
- 3.00 Кино на СТС. «АКУЛЫ-3. МЕГАЛОДОН-КИЙ КИБОРГ».
- 4.30 Кино на СТС. «СОКРУШИТЕЛЬНАЯ ЛОЖЬ».
- 6.00 «ДЕЙСТВИЕ, КРОШКА». Многосерийный художественный фильм.
- 6.20 Музыка на СТС.

## ТВ-3

- 7.30 Жизнь, полная радости
- 8.00 Российские мультфильмы.
- 10.00 Художественный фильм «ЗА ДВУМЯ ЗАЙЦАМИ». Россия, 1961.
- 11.30 Художественный фильм «ВИВАТ, ГАРДЕМАРИНЫ!» 2 серии. Россия, 1991.
- 14.30 Курьер.
- 15.00 Художественный фильм «ТАЙНА ЧЕРНЫХ ДРОЗДОВ». Россия, 1983.
- 17.00 Художественный фильм «ЭРИЯ». США, 1996.
- 19.00 Киномания.
- 20.00 Художественный фильм «ПРОКЛЯТЫЙ СЕЗОН». США, 2002.
- 22.00 Художественный фильм «ДЕВЯТЬ КОРОЛЕВ». США, 2000.
- 0.00 Художественный фильм «НЕОБРАТИМОСТЬ». Франция, 2002.
- 2.00 Сериал «ШПИОНКА». 18-я серия.

## HTB

- 4.50 Боевой «ЛОБЕГ».
- 6.40 Детское утро на НТВ. Мультфильм «КОТ В САПОГАХ».
- 7.00 «СЕГОДНЯ».
- 7.15 «ДЛЯКИ МИР» с Тимофеем Баженовым
- 7.50 «ИХ НРАБЫ».
- 8.25 «ДУМ ДОМА».
- 9.00 «СЕГОДНЯ».
- 9.20 «ТОР БЕАН». ПРОГРАММА ПРО АВТОМОБИЛИ
- 9.55 «СЧАСТЛИВЫЙ РЕЙС» с Николаем Фоменко
- 10.45 «ШНУР ВОКРУГ СВЕТА».
- 11.20 «АВИАТОРЫ».
- 12.00 «СЕГОДНЯ».
- 12.25 «СТИХИЯ». Программа Ивана Усачева
- 13.00 «МОСКВА - ЯПТА - ТРАНЗИТ». Фестиваль юмора и эстрадного искусства.

## DTV

- 8.00 Сериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ». 99-я серия.
- 8.30 Сериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ». 100-я серия.
- 8.55 Для милых дам.
- 9.25 Мультфильмы.
- 9.50 Мультфильмы.
- 10.20 Мультфильмы.
- 10.50 Мультфильмы.
- 11.20 Художественный фильм «ЛУННЫЙ СВЕТ, МЕНЕ И НЕФРИТОВЫЙ ЛЕВ».
- 13.30 Фильм-расследование «Как ухаживали кумиры». «Галина Уланова».
- 14.30 Шокирующая документалистика. «Техногенные катастрофы».
- 15.00 Шокирующая документалистика. «Техногенные катастрофы».
- 15.25 Игровое шоу «Время - деньги».
- 15.55 Художественный фильм «АМЕРИКАНСКИЙ КИБОРГ».
- 18.00 Самое смешное видео.
- 18.30 Альманах невероятных событий «Этот безумный мир».
- 19.00 Шоу российских рекордов.
- 20.00 Юмористическая программа «Фабрика смеха».
- 21.00 Художественный фильм «ЗА 80 ДНЕЙ ВОКРУГ СВЕТА». 2-я серия.
- 23.00 Детективный сериал «С.С.1 МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ ЛАС-ВЕГАС». 14-я серия.
- 0.00 Детективный сериал «С.С.1 МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ ЛАС-ВЕГАС». 15-я серия.
- 1.00 Ток-шоу «Я выжила».
- 2.00 Ночная развлекательная программа «Девушки в бикини».
- 2.35 Художественный фильм «ВИДЕОДРОМ».
- 4.05 Фильм-расследование «Как ухаживали кумиры». «Галина Уланова».
- 4.50 Сериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ». 99-я серия.
- 5.15 Сериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ». 100-я серия.
- 5.40 Игровое шоу «Время - деньги».
- 6.00 Юмористическая программа «В засаде».
- 6.20 Музыка на ДТВ.

# 30-канал

## Душанба 9

- 17.00 «Теле-экспромт».
- 17.30, 20.00 «Мусикий табассум».
- 18.00 «Болалар соати».
- 18.20, 22.25 «Муқаддас ой».
- 18.25 «Шахрисабз-ТВ».
- 18.40 «Севги наволари».
- 19.00 «Ошиқона».
- 19.40, 21.45, 22.00 «Теле-хамкор».
- 21.00 «София, менга имкон бер», сериал.
- 22.30 «Кизилкум-ТВ».
- 22.35 «Клип».
- 22.50 «Махфий хужжатлар».

## Сешанба 10

- 12.05, 16.45, 19.40 «Теле-хамкор».
- 12.25, 17.00, 18.00 «Детский час».

## Чоршанба 11

- 12.50 «Дружная семейка», сериал.
- 13.40, 20.00, 21.45 «Мусикий табассум».
- 14.00 «Барби и волшебный Пегас». М/ф.
- 15.30, 19.00 «Ошиқона».
- 16.10 «Абллар орзуси».
- 18.20, 22.15 «Муқаддас ой».
- 18.25 «Истиклол-ТВ».
- 18.40 «Сиз кутган кўшиқ».
- 21.00 «София, менга имкон бер», сериал.
- 22.20 «Тўрткўл-ТВ».
- 22.30 «Мусикий лаҳзалар».
- 22.40 «Махфий хужжатлар».

## Пайшанба 12

- 12.05, 16.45, 19.40 «Теле-хамкор».
- 12.25, 16.00, 18.00 «Детский час».
- 12.50 «Дружная семейка», сериал.
- 13.40, 17.30, 20.00, 21.45 «Мусикий табассум».
- 14.00 Х/ф «Летний дождь».

## Жума 13

- 13.40, 20.00, 21.45 «Мусикий табассум».
- 17.00 Док. фильм.
- 18.20, 21.25 «Муқаддас ой».
- 18.25 «Кизилкум-ТВ».
- 18.45 «Муҳаббат тароналари».
- 19.00 «Ошиқона».
- 21.00 «Шарқнинг машхур аёллари».
- 21.30 «Мулоқот плюс-ТВ».
- 22.15 «Ешлар кўйлаганда».
- 22.40 «Махфий хужжатлар».

## Шанба 14

- 12.05, 16.45, 19.40 «Теле-хамкор».
- 12.25, 16.10, 18.00 «Детский час».
- 12.50 «Дружная семейка», сериал.
- 13.40, 17.30, 20.00 «Мусикий табассум».
- 14.00 Х/ф «Голубоглазый Микки».
- 15.30, 19.00 «Ошиқона».
- 17.00 Док. фильм.
- 18.20 «Муқаддас ой».
- 18.25 Концерт.
- 20.00 «Хит-парад - плюс».
- 21.00 «Худуд».
- 21.20 «Мусикий йўлка».
- 21.40 «Шоу-бизнес янгиликлари».

## Жума 13

- 15.30 «Хикоя».
- 17.00 Док. фильм.
- 18.20, 21.25 «Муқаддас ой».
- 18.25 «Кизилкум-ТВ».
- 18.45 «Муҳаббат тароналари».
- 19.00 «Ошиқона».
- 21.00 «Шарқнинг машхур аёллари».
- 21.30 «Мулоқот плюс-ТВ».
- 22.15 «Ешлар кўйлаганда».
- 22.40 «Махфий хужжатлар».

## Шанба 14

- 12.05, 16.45, 19.40 «Теле-хамкор».
- 12.25, 16.10, 18.00 «Детский час».
- 12.50 «Дружная семейка», сериал.
- 13.40, 17.30, 20.00 «Мусикий табассум».
- 14.00 Х/ф «Голубоглазый Микки».
- 15.30, 19.00 «Ошиқона».
- 17.00 Док. фильм.
- 18.20 «Муқаддас ой».
- 18.25 Концерт.
- 20.00 «Хит-парад - плюс».
- 21.00 «Худуд».
- 21.20 «Мусикий йўлка».
- 21.40 «Шоу-бизнес янгиликлари».

## Шанба 14

- 21.00 «Шарқнинг машхур аёллари».
- 21.25 «Муқаддас ой».
- 21.30 «Сиз учун...».
- 21.45, 22.15 «Мусикий лаҳзалар».
- 22.30 «Денов-ТВ».
- 22.40 «Махфий хужжатлар».

## Якшанба 15

- 9.05, 10.30, 16.45, 19.00 «Теле-хамкор».
- 9.20, 17.00 Док. фильм.
- 10.10, 18.00 Мультфильмы.
- 10.45 Х/ф «Возмещение ущерба».
- 12.45, 17.30, 20.30, 21.40 «Мусикий табассум».
- 13.00 «Теле-экспромт».
- 13.20 «Хит-парад - плюс».
- 14.20 «Шоу-бизнес янгиликлари».
- 14.50 «Болалар соати».
- 15.20 «Абллар орзуси».
- 15.50 «До-Ми-Соль шоу».
- 18.20 «Муқаддас ой».
- 18.25 «Юрак торлари».
- 18.35 «Сугдийна».
- 19.20 «Ошиқона».
- 20.00 «30 кадр».
- 21.00 «Якшанба окшомида».
- 22.10 «Нахотки сен».

# TV-MARKAZ

## Душанба 9

- 15.00 «Кинокурьер».
- 15.30 «Премьера» (узб.).
- 15.50 Узбек наволари.
- 16.25 «Премьера» (рус.).
- 16.45 «Кулги маркази».
- 17.00 «Судьба».
- 17.30 Узбек наволари.
- 18.00 «Премьера» (узб.).
- 18.20 Узбек наволари.
- 18.45 «Кулги маркази».
- 19.00 «Премьера» (рус.).
- 19.20 Сериал «Бир кам дунё». 1-серия.
- 20.10 Узбек наволари.
- 21.00 «Очил дастурхон».
- 21.30 Узбек наволари.
- 22.00 Х/ф «Боуфингер».
- 24.00 Миксер.

## Сешанба 10

- 7.00 Марказ NEWS (узб.).
- 7.10 Узбек наволари.
- 8.00 Марказ NEWS (рус.).
- 8.10 Узбек наволари.
- 9.00 Сериал «Бир кам дунё». 1-серия
- 9.50 Мировые хиты.
- 11.00 Х/ф «Боуфингер».
- 13.00 Узбек наволари.
- 14.00 «Кулги маркази».

## Чоршанба 11

- 14.15 Узбек наволари.
- 15.00 Теленяня.
- 15.45 Мировые хиты.
- 16.00 «Спецрепортаж».
- 16.20 Узбек наволари.
- 17.00 ТОП-20.
- 17.45 Узбек наволари.
- 18.00 Марказ NEWS (узб.).
- 18.10 Узбек наволари.
- 18.30 «Премьера» (узб.).
- 18.50 Мировые хиты.
- 19.00 Марказ NEWS (рус.).
- 19.10 Сериал «Бир кам дунё». 2-серия.
- 20.05 Узбек наволари.
- 21.00 «Великолепная семёрка».
- 21.30 Узбек наволари.
- 22.00 Х/ф «Доказательство».
- 24.00 Миксер.
- 00.30 «Миссия неповторима».

## Пайшанба 12

- 7.00 Марказ NEWS (узб.).
- 7.10 «Кулги маркази».
- 7.25 Узбек наволари
- 8.00 Марказ NEWS (рус.).
- 8.10 Микст-Концерт.
- 9.00 Сериал «Бир кам дунё». 2-серия.

## Жума 13

- дунё». 2-серия.
- 9.50 Узбек наволари.
- 11.00 Х/ф «Доказательство».
- 13.00 Мировые хиты.
- 13.30 Узбек наволари.
- 14.00 «Юлдузли пайшанба».
- 14.30 Узбек наволари.
- 15.00 Теленяня.
- 15.45 Мировые хиты.
- 16.00 Узбек наволари.
- 16.30 «Судьба».
- 17.00 Узбек наволари.
- 18.00 Марказ NEWS (узб.).
- 18.10 Узбек наволари.
- 19.00 Марказ NEWS (рус.).
- 19.10 Сериал «Бир кам дунё». 3-серия.
- 20.10 Мировые хиты.
- 20.30 Премьера (рус.).
- 20.50 Узбек наволари.
- 21.00 «Кинокурьер».
- 21.30 Узбек наволари.
- 22.00 Х/ф «Викинги».
- 00.20 Миксер.

## Шанба 14

- 07.00 Марказ NEWS (узб.).
- 07.10 Мировые хиты.
- 08.00 Марказ NEWS (рус.).
- 08.10 Мировые хиты.
- 09.00 Сериал «Бир кам дунё». 3-серия.
- 09.50 Узбек наволари.

## Жума 13

- 11.00 Х/ф «Викинги».
- 13.20 Узбек наволари.
- 14.20 Мировые хиты.
- 15.00 Теленяня.
- 15.45 «Кулги маркази».
- 16.00 Узбек наволари.
- 16.30 Мировые хиты.
- 17.00 «Великолепная семёрка».
- 17.30 Узбек наволари.
- 18.00 Марказ NEWS (узб.).
- 18.10 Узбек наволари.
- 19.00 Марказ NEWS (рус.).
- 19.10 Сериал «Бир кам дунё». 4-серия.
- 20.10 Узбек наволари.
- 20.30 «Премьера» (узб.).
- 20.50 Узбек наволари.
- 21.00 «Юлдузли пайшанба».
- 21.30 «Спецрепортаж».
- 22.00 Х/ф «Воиз».
- 23.40 Миксер.

## Шанба 14

- 7.00 Марказ NEWS (узб.).
- 7.10 Узбек наволари.
- 8.00 Марказ NEWS (рус.).
- 8.10 Мировые хиты.
- 9.00 Сериал «Бир кам дунё». 4-серия.
- 9.50 Узбек наволари.
- 11.00 Х/ф «Воиз».
- 12.40 Мировые хиты.
- 13.30 Узбек наволари.
- 14.00 «ТОП-20».
- 14.40 Узбек наволари.
- 15.00 Теленяня.

## Шанба 14

- 16.20 Сериал «Бир кам дунё». 1-2 серии.
- 18.00 Марказ NEWS (узб.).
- 18.10 «Кулги маркази».
- 18.25 Узбек наволари.
-



**Довуа МАҲДИЙ**

**(Давоми. Боши ўтган сонларда).**

Прокурор сўроқни давом эттирди.

— Алоҳида белгилари борми?

— Ўнг қўлининг бош бармоғи пастиди кўндалангига 1941 ёзуви бор.

— Эғнида нимаси бор?

— Эғнида эски ранги ўчиб кетган фуфайка бўлиб, устидан солдат қайиши боғланган.

— Қайишда бирор белги борми?

— Тоғайи олдида узилган жойи машинка билан тикилган.

— Этиги қанақа?

— Резина этик.

— Сувчилар қиядиган кўнжи узун этикми?

— Йўқ, кўнжи калта. Андижонда ишлаб чиқарилган.

— О, қайда ишлаб чиқарилганлигини ҳам биласизми?

— Ҳа.

— Эчкиларни нима қилдингиз?

У давом эттирди.

Эчкиларни дарё ёқалаб ҳайдаб кетаётганда, қўй боқиб юрган бир кишига дуч келди.

— Эчкиларни қайдан ҳайдаб келаяпсиз?

— Иш жойидан.

— Иш жойиз қаер?

— “Паричехра” фермер хўжалиги.

— Ўғирлик эмасми?

— Йўқ-е.

— Олапар, қайт!

Ҳезланиб келаятган итини қайтарди у.

У “ёпишқоқ”дан анча узоқлашгач, кўнгли бироз тинчигандек бўлди.

Катта йўлдан 300-400 метр наридаги чолдевор олдида тўхтади. Кўлтигидан нон бўлагини олиб еди. Бу аҳволда Сарсонсойга етиб олиш мушкул. Шоқол хужум қилса...

Юрагига ваҳима қузғундек ёпирилиб кела бошлади. Машина керак. Яхшиси, Шокирникига бориш керак.

Таёқни ерга қадади-да, устига курткани ёпиб одам ўтиргандек қилиб қўйди. Эчкилар унинг олдида тўпланиб ётишди.

Катта йўлга чиқди. Тез-тез машина ҳам келавермайди, ўтгани ҳам тўхтамайди. Ниҳоят бир “Дамас” тўхтади.

— Қаерга борасиз?

— Сарсонсойга.

— Ёғ заводигача олиб бораман, 1000 сўм берасиз, чиқинг.

Йўлда шофер сўради.

— Қаердансиз ўзи?

— Шайтонгузардан. ГАИ постида тўхтатсайиз бўлди.

Келишди. Машина тўхтади. Қўйли тушиб шофёрга 200 сўм узатди.

— Яна 800 сўм.

— Бошқа пулим йўқ.

— Пулинг бўлмаса, ... емоқликка минасанми? Хей ...

Машина эгаси тушиб, инсофсиз йўловчининг юзига икки шапалоқ туширди ва орақасига бир тепди-ю, машинасига ўтириб жўнаб кетди.

Қўйли бир мункиб кетди, телпагини ушлаб қолди.

Шокирникига борди, хотини уйга овқат олиб кираётган экан.

— Янга, Шокир борми?

— Йўқла.

— Келса, Толибникига борсин.

— Уйга қиринг!

— Раҳмат, шошилиб турибман.

“Толибнинг мотоциклини миниб, машина ахтаргани чиқиллари керак”.

Бир ҳовлига яқинлашди.

— Хў, Толиб!

Кучук хурди. Бир кекса киши ҳасса суяниб чиқди. Ўқчиб йўталди. Туфлади.

— Ота, Толиб борми?

— Чол ҳовлига овоз қилди.

— Толуп, қара, сани биттаси чақиропти.

Толиб чиқди. Ёнига бориб, сўрашар-сўрашмас деди:

— Оғайнижон, Олчазордан молларни олиб келмасак бўлмайди. Бозорга чиқармасам, қарзга ботиб кетдим. Шокирникига борувдим, йўқ экан.

Жон оғайни, бир мошин топайлик. Молларнинг олдида акамни қўйиб келгандим, совқотиб кетди бечора.

Толиб мотоциклини миниб чиқди. Қўйли кажавасига чиқди.

Лекин мотоцикл кўп юрмай, “пат-пат” қилиб ўчиб қолди. Гугурт ёқиб, у ёқ-бу ёғини кўришди.

Бир машина гуриллаб келди.

— Шокир, оғайни ўзингми-сан?

— Нима гап?

— Кетдик, ҳайда!

— Секинроқ гапир, машинада одам бор.

ўз пайкалини айланган бойдай қўлини орқасига қилиб, атрофни кузатарди.

Прокурор бориб кўришди. Каналлар бошқармаси раҳбари экан.

— Ака, қотиллик бўлган, мурдани сувга ташлаб юборишган. Сувни камайтирмаса, толиб бўлмайди.

— Сувни ёпишни маслаҳат бераяпсизми? Нима деяпсиз ўзи? Ўйлаб гапираяпсизми? Сувни боғлаб бўлмайди. Вилоят ҳокимининг ўзи шахсан назорат қилиб турибди.

— Вилоят ҳокимини мен ҳам танийман. Керак бўлса айтишим ҳам мумкин.

— Ёполмайсизми? Ёрдамга милиция юборайми? — истехзо қилди милиция бошлиғи.

— Э, қўйинглар, — деб қўл силтади-ю, кета бошлади.

“Орган

— Майли, майли, тўғри айтдингиз. Бу керак. Ўзимизнинг болалар ўқийди-ку.

Орадан бир неча кун ўтиб оғайнисининг тўйига борса, бир киши қўлтигидан тутиб четга тортди.

— Мен сизга дўстлигимдан айтаман. Анави Шомми кал бор-ку, бир меҳмонхона одамга нима дейди денг: “Прокурорнинг томи кетганми, нима эмиш кутубхона қурашмишман. Ундан кўра данғил-лама уй-жой қураман. Невараларим яшайди”, дейди.

Хабар берган ҳам, “оқсоқол” ҳам кўзига ёмон кўришиб кетди. Ақлли, элпарвар деб ўйлаганди, худбин экан.

Шаҳар телефони жиринглади. Хотини:

— Амаким айтган нарсани элтиб бермабсиз, телефон қил-

бирорта фарзанди қўйилса, отаси яратган бойлиқни асрайди, бошқаси йўқ қилиши мумкин. Ўзингиз биласиз, муҳими, ҳалол, виждонли одам ишласин-да.

— Бир юрист ўғли бор экан.

— Яхши экан-ку, ёнида ҳамфикр чорва мутахассиси бўлса, тортиб кетади.

— Демак, шу йигитни ўрганиб кўриш керак.

— Шерзоджон, саксовулзордан ахлатларни олдириб зап иш қилдингиз-да. Ажойиб иш бўлди. Яна бир ёрдамнинг керак, ука, — гап бошлади вилоят вакили. — Саксовулларни одамлар кесиб кетаяпти.

— Мен экологияга айтдим, — деди ҳоким.

— Фойдаси йўқ, — деди вакил. — Қонуннинг кучини кўрсатиб, одамларни кўрқитиб қўйиш керак.

— Прокуратура, милиция органлари одамларни кўрқитадиган ташкилот эмас, — деди прокурор бироз қизишиб, — биз ҳам касаба уюшмаси каби кишиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиламиз. Фарқи сиз жамият кўзи бўлсангиз, биз давлатнинг кўзимиз.

— Тўғри, — сал хижолат чекди вакил.

— Биргалашамиз, аслида бу ишлар бизники, — тан олди ҳоким. — Шерзод ака, умуман прокуратурага минг раҳмат, катта ёрдам қилишаяпти.

— Айниқса, вилоят катталарининг воҳамизни обод қилишдаги хизматлари катта. Буни барибир эл унутмайди, — қўшиб қўйди вакил.

— Саксовул уругини тўплаш таклифини айтгандим. Бу саксовулзорлар ўзи бўлган эмас-ку. Вертолётдан уругини сеписанган. Одамлар ёқилги қилиш учун чошиб кетаяпти деяпсизлар. Тўғри, биз қонунда белгиланган чораларни кўрамай. Аммо уни тикламасак, Олчазорни кўм босади. Ваҳима қилаяпсиз деманг. Омон аканинг айтганича бор. Шошилиш керак. Мен билан сиз ишласак 2-3 йил ишлармиз. Ахир, халқ шу ерда умргузаронлик қилади. Кўп иш қилаяпсиз дерсиз. Аммо одамлар тақдир учун безовталикни сезмаяпман-да.

— Шерзод ака бизди фақат танкид қилади, — ҳоким соатаига қаради. — Кетдик, бир пиёла чойимиз бор.

— Раҳмат, раҳмат боролмайман. Бу ёқда жиноят ҳали очилмаяпти.

— Ай, юринг, жиноятни ҳам бир бало қиламиз.

— Майли, сизлар бораверинглар, раҳмат. Меҳмонларни яхши жўнатинг. Хайр, соғ бўлинглар.

Прокурор чиқиб кетди. Идорага қайтиб келганда соат 11 бўлганди. Милиция ташлаб кетган иккита жиноят ишини ўрганиб, айблов ҳулосасини тасдиқлаш керак. Бошқа хужжатлар ҳам қалашиб ётибди. Усти ялтироқ, чиройли тикилган делоларни қўлига олди. Ўрганишга киришди.

Исми Мусулмон, аммо ўзи кофирдан баттар бу шахс йўқолиб қолган отларини ахтариб, Олчазор туманига бориб қолади. Қараса, 5 бош қорамол бемалол ўтлаб юрибди. Ҳеч кимга сездирмай уларни қишлоғига ҳайдаб кетади. Биттасини сўйиб, пуллайди. Қолганини пайкалида боқиб юради.

Олчазорлик Норбек ака сигирларини роса ахтаради. Бир хаёл билан шайтонгузарлик дўстиникига келиб, дардини айтади.

— Мусулмоннинг ҳовлисини бир кўриш керак. Шу одамнинг қўли эгри дейишади.

— Ўғрилиқ қилса, Олчазордан қиладим. Қишлоғида мол қуриб қолганми?

— Булар қишлоғидагиларга тегинмайди.

(Давоми бор).



**Фрош этилади**

— Одамнинг кўйиб кел, фақат тезроқ!

Бироздан сўнг “КамаЗ” яна пайдо бўлди. Уша жойга етиб келишди. Курткали “одам” ўтирибди, аммо эчкилар йўқ. Машина билан зир ахтаришди, топишолмади. Алам қилди. Ёмон алам қилди. Тунни беҳуда ўтказишмади. Бир фермернинг икки ола хўкизига кўз олайтиришди.

— Прокурор бобо, узоқ сўроқ қилдиз-ку, — деди хибсхона ходими.

— Сўроқнинг давом этиш вақти бузилмади, шекилли.

Қўйли сўроқ баённомасини ўқиб чиқди, ҳар саҳифасига имзо чекди.

Эртаси кун кўрсатув ҳодиса содир бўлган жойда текширилди. Воқеа жойи унинг иштирокида қайтадан кўздан кечирилди. Чучело мисолида мақтулни қандай ўлдирганлиги, қандай судраганлиги, қандай дарёга ташлаб юборганлигини кўрсатиб берди. Видеога туширилди, суратга олинди. Жараён процессуал ҳужжатлар билан мустаҳкамланди.

Ҳамма иш-ишига кетди. Аммо мурда топилмаса, жиноят иши очилган деб бўлади-ми? Балки, булар кимнингдир жиноятини яшириш учун ё катта пул эвазига ўйлаб топилгандир. Прокурор хонада ўтиролмади. Машина рулига ўзи ўтирди, милиция бошлиғини ёнига олди, дарё бўйлаб кетди.

Дунёнинг этаги кенг экан. Чўлнинг на учи, на қирғоғи бор. Шамол чакалқорни тебратиб шовуллайди, юлғунлар эгила-эгила қад ростлайди.

Бир УАЗ келиб тўхтади. Ундан думалоқ бир киши тушиб,

ходимлари билан ҳам бундай муомала қиладиганлар бор экан. Ҳа-я, форма йўқ-да, булар погондан ҳайқади”. Чапанилиги тутиб кетди:

— Эй, жўра, тўхта қани! Қўлингга хат қилиб бераман, боғлашга мажбур бўласан. Кейин шундай қиламанки, пенсияга чиққунингча прокуратура олдида кетмайсан.

Иккаласи ҳам машиналарига ўтириб, ҳар тарафга жўнаб кетишди.

Сувни бошидан беркитиш учун расмий хат жўнатилди. “Шахсан ўзига топшириб, нусхасига қўл қўйдириб олинг”. Милиция масъул ходими жўнаб кетди.

Эртасига “сувни боғламайдиган” кўнғироқ қилди.

— Ака, сувни боғладик. Тағин катталарга айтиб юрманг.

— Раҳмат, кечирасиз, ўша кунни мен ҳам бироз қизишдим.

“Нега одамлар фикрингни тушунмайди. Фақат кўрққанидан бирор ишни қилади. Шу нарса халқ учун, жамият учун зарур-ку, деб ўйлашмайди”.

Кечагина бир пулдор, ёши улуг одамдан дили қаттиқ ранжиди.

— Шомми бобо, — деди у, — кўп йиллар катта-катта лавозимларда ишлагансиз, элда ҳурматингиз бор, халқимиз учун бир иш қилинг.

— Хўп-хўп.

— Туманда бир тузук кутубхона йўқ. Шахсий жамғармангиз ҳисобидан...

— 10 миллионларга тушармикан?

— Камлик қилса, пулдор одамлар бор-ку, биргалашарсизлар. Лойиҳалари ва бошқа нарсаларини тузишга ўзим қарашаман.

дилар.

— Олиб бориб бераман.

— Бошқа нима гап?

— Тинчлик. Ҳали келмайсизми?

— Йўқ. Бўпти.

“Қизик, у кунни отаси қўлда олиб юрадиган радиоприёмник олиб келган деб пул берганди. Пул керакмас деса ҳам, йўқ, ўзимнинг пулимга олиб келасан, деб қаттиқ тайинлади. Ҳали одамлар...”

Хаёлини «прямой» бузди.

— Ҳоким бобо сўраяптилар.

— Эшитаман.

— Ҳа, ҳа, яхши. Дарвоқе, ҳоким бобо, биттасини ширкат хўжалиги раиси қилиб тайинлаш тўғрисида қарор чиқарибсиз. Қонунга биноан ширкат хўжалиги раисини сайлаш ва чақиртириб олиш ширкат Низомида белгиланади. Низомга мувофиқ эса раисни сайлаш умумий мажлисининг мутлоқ ваколатига қиради. Файриқонуний қарорингизни беқор қилишга тўғри келади.

— Шошилиш кадр қўйиш зарур бўлиб қолган эди-да. Майли қонунда нима дейилган бўлса шу. Бошқа маслаҳат бор эди...

— Узим ўтаман.

Бироздан сўнг туман ҳокимининг хонасига кириб борди. У вилоят ҳокимияти вакили, кекса, нуроний чеҳра вилоят касаба уюшмаси кенгаши раиси билан суҳбатлашиб туришган экан.

— Омон ака билан ўша кадр масаласида маслаҳатлашиб турган эдик. Сиз нима дейсиз?

— Мен сизнинг кадрлар ишингизга аралашмайман. Ўша раҳматли, наслчилик хўжалигини оёққа қўйиш учун қанча меҳнат қилди. Шу одамнинг маълумотли, тажрибали

## Темурий маликалар тарихи

Мамлакатимиз тарихида Темурийлар сулоласининг ўрни бекиёс. Зотан ушбу сулола ўзбек давлатчилиги, умуман туркийзабон халқлар тарихида янги даврни бошлаб берди. Таъкидлаш жоизки, Амир Темури Чингизхон истилосидан кейин вайронага айланган улкан ҳудудда янги маданият яратганлиги билан ҳам буюқдир. Унинг ҳукмронлиги даврида мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Вафотидан кейин ҳам шаҳзодалар ва набиралари бобоси бошлаган ишни давом эттирди. Масалан, Мирзо Улуғбек ва Хусайн Бойқароларнинг ҳукмдорлиги даврида илм, фан, маданият ва

га уйланган эди. Унинг балоғат ёшида бир қизи бор эди. Уни мен ўғлим Муҳаммад Жаҳонгирга унаштириб қўйдим». Асарда мазкур воқеалар Темурининг 39 ёшида содир бўлганлиги қайд этилади. Бироқ бу ҳақда бошқа тарихий манбаларда маълумот учратмадик. Балки мазкур никоҳ амалга ошмагандир. Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо ва Хонзодабегимнинг никоҳ тўйлари ҳақида кўплаб тарихий манбаларда турли хил маълумотлар бор. Маликанинг асли исми Севинчбека бўлиб, отаси Оқ Сўфий Хоразмнинг нуфузли кишиларидан эди. Онаси Шакарбека эса Гиёсиддин Муҳаммад Ўзбек (Олтин Ўрда хони)нинг қизи бўлган. Амир Темури

этибор берган. Никоҳ анъаналарига, расм-русумларга ҳам алоҳида ҳурмат билан қараган. Бу ҳақда унинг «Темури тузуқлари»да қуйидагича маълумот бор. «Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишларни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмиш насл-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина эл-юртга катта тўй-ю, томоша бериб, келин тушурдим». Хонзодабегимнинг ташқи кўриниши, феъл-атвори ҳақида нисбатан тўлиқ маълумотни 1404 йилда Темури саройида бўлган Испания қироли Генрих III нинг элчиси Руи Гонзалес де Клавихо беради. Жумладан, унинг «Кундалиқлар»и асосида 1582

кейинчалик Гўри Мир мақбараси номи билан машҳур бўлган хилхона қурдиради. Маълумки, 1376 йил Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг бевакт ўлимидан сўнг, аниқроғи, 1383 йил Амир Темури суюкли келинини қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилиб, туркий халқларда азалдан урф бўлиб келадиган удумни қўллаб, Хонзодабегимни учинчи ўғли Мироншоҳ Мирзога никоҳлаб беради. Ўша пайтларда маркази Табриз бўлган Фарбий Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва Арманистонни бирлаштирган улкан ҳудудга Мироншоҳ Мирзо ҳукмронлик қилар эди. У сўнги пайтларда айрим амалдорларнинг таъсирига берилиб, кайфу сафога ружу қўйиб, салтанат ишларига бефарқ бўла бошлайди.

САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ 2750 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

## ҚАЙТА ТИКЛАНГАН УЛКАН МИНОРА

Қадимий ва навқирон Самарқанд ўзининг бебаҳо обидалари билан бутун дунёга машҳур. Улуғбек мадрасаси ҳам ўрта аср шарқининг энг гўзал архитектура ёдгорлиги сифатида бунёд этилган эди.

Бу улкан иншоотни бир неча асрдан сўнг қайта тиклашга тўғри келди. Гап шундаки, 1918 йилнинг кузига келиб, мадрасанинг шимоли шарқ бурчагида қад кўтарган 31 метрли минора ҳаракатга кела бошлаганди. У тобора оғиб бораётгандек эди. Агар у шу заминда кулаб тушгудек бўлса, буюқ тарихий обида ўзининг бир бутун меъморий ансамбли сифатидаги кўринишдан маҳрум бўларди.

Мутахассислар минорани ўз пойдеворидан «кўтариб» аслига келтиришни таклиф этишди. Шунга биноан иш бошлаб юборилди. Бунинг учун катта қозиклар қоқилди. Сўнг миноранинг ярмига қадар тахтадан белдампўлат арқонлар боғланди. Арқонларнинг иккинчи учи ҳалиги қозикларга тортиб қўйилди. Бу эса миноранинг оғишини тўхтатиб туриш имконининг берди. Орадан икки йил ўтгач, минора яна оғиб бошлади. Уни қайтадан тик ҳолига келтириш тадбирлари кўрила бошланди. Қулаётган минорани шундайлигича асли ҳолатига келтириш гоёси маъқулланди. 1927 йилда Москвадаги «Мосмет» заводи Самарқандга тегишли металл конструкциялар юборди. Кейинчалик 1932 йилда минорани тиклашга киришилди.

Минора пойдеворидан буткул «ажратилиб», тагига улкан пўлат тўсинлар ўрнатилди. Миноранинг нурай бошлаган бутун пастки қисми то пойдеворигача олиб ташланиб, унинг ўрни темирбетондан ишлаб чиқилди. Пўлат арқонлар тортила бошланди. Сўнгра минора аста-секин асли ҳолатига келтирилди. Шундай қилиб, ўрта аср меъморчилигининг нодир асарларидан бири йўқ бўлиб кетишдан қутқариб қолинди. Бинобарин, шарқ обидаларини қайта тиклаш тарихида бу янглиг иш ҳеч қачон амалга оширилмаган эди. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга катта тайёргарлик кўриладиган бир вақтда ушбу ноёб тиклаш жараёнини эслаб ўтиш жоиздир. Зеро, бундай реставрация тажрибаси авлодлар учун ўзига хос бир мактабдир.

Акбар АЛИЕВ

# Хонзодабегим тақдир

ижтимоий-иқтисодий ҳаёт таъриқ топди.

Темури ва Темурий шаҳзодаларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш биз учун қанчалик муҳим бўлса, Темурий маликаларнинг тақдир ҳақида маълумотга эга бўлиш ҳам шунчалик аҳамиятга эга. Чунончи, буюқ саркарда Амир Темури ҳам айрим оғир вазиятларда доно ва тадбиркор рафиқаси Сароймулкхонимдан маслаҳат сўраб, унинг кўрсатмалари билан иш тутганлиги тарихий манбалардан маълум. Аммо Темурий маликаларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда бир қатор муаммолар ва қийинчиликлар мавжуд. Шулардан бири маликаларнинг сиймоларини тарихий жиҳатдан тиклашда тарихий-илмий адабиётларнинг етарли эмаслигидир. Бинобарин, шунинг баробарида бугунги кунгача Сароймулкхонимдан ташқари кўпчилик маликаларнинг ҳаёти ва шахси тўлиқ ўрганилган эмас.

Маълумки, Бибихонимдан кейин Темурий маликалар ичида оқиллиги, донолиги, тадбиркорлиги билан Хонзодабегим алоҳида ўринда турган. Амир Темурининг суюкли келини Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг рафиқаси Хонзодабегим саройда ҳам катта обрў-эътиборга сазовор бўлган. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо Хонзодабегимга уйлангунга қадар Тошкент ҳокими Кайхусрав Хуталлонийнинг қизи билан ҳам турмуш қурган бўлиши мумкин. Бироқ бу ҳақда тарихий манбаларда маълумотлар жуда кам. Амир Темурининг ўзи ёзган (ёки котибга айтиб ёздирган) «Зафар йўли» (ёхуд ўз аҳвол ва атвори, юрш ва қўшуни, мусолиҳа ва муҳориба воқиятини туркий лугат бирлан ёзган китоби) асарида, шундай дейилади. «Мен шошилини ҳолда Тошкент тарафига юрдим. Кайхусрав Хуталлоний (Тошкент ҳокими) мени тантана билан қўтиб олди. Ва зўр меҳмон қилди. Мен Тошкентда роппа-роса бир ой турдим. Амир Кайхусрав Хуталлоний Жетанинг марҳум ҳокони Тўғлуқ Темурининг қизи

Хоразмни иккинчи бор забт этгач, Юсуф Сўфий (Хоразм ҳукмдори) билан битим тузади. Унга мувофиқ Юсуф Сўфий жияни Хонзодабегимни Соҳибқироннинг ўғли Муҳаммад Жаҳонгир Мирзога беришга розилик беради. Бу ҳақда Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида қуйидагича маълумот бор. «Шаввал ойида, тарих етти юз етмиш бешда, барс йилида, аввал баҳорда соҳибқирони комкор фармонладиким, Ёдгор бинни Лолаким, Қорачор Нўённинг ўғлонларидан эрди ва Довудбек ва Ўлжойтубекни подшоҳона бўлақлар билан Хоразмга йибардиким, маҳди улё Хонзодини келтиргайлар». Кўриниб турибдики, соҳибқирон Амир Темури милодий йил ҳисоби билан 1374 йилнинг баҳорида (март ойида) Хонзодабегимни катта тўй-ю, томоша билан ўғли Муҳаммад Жаҳонгир Мирзога никоҳлаб берган.

XV аср муаррихи Фосих Аҳмад Ҳавофийнинг «Мужмали Фосихий» асарининг 1373 — 1374 йил воқеаларида Амир Темурининг Хоразмга иккинчи бор қўшин тортиши ва малика Хонзодабегимнинг Самарқандга олиб келиниши, Муҳаммад Жаҳонгир Мирзога никоҳ ўқитилиб, Соҳибқироннинг Қонигил мавзеида мисли кўрилмаган катта тўй қилишга амр этиши тасвирланади. Хонзодабегим Муҳаммад Жаҳонгир Мирзодан бир ўғил кўради, исмини Муҳаммад Султон қўйишади. Шунингдек, Амир Темури Хонзодабегимни ниҳоятда ҳурмат қилган. Биринчи валиаҳди Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг бевакт вафот этганидан сўнг, Соҳибқирон қаттиқ қайғуга чўмади. Бинобарин оқила ва тадбиркор келинининг фарзанди ва суюкли набираси Муҳаммад Султонни валиаҳд деб эълон қилади. Бунга сабаб, биринчидан, набираси оқила келинидан туғилганлиги ва унинг қўлида тарбия топганлиги бўлса, иккинчидан, Хонзодабегимнинг Ўзбекхон уруғидан бўлганлигидир. Соҳибқирон набиралари ва шаҳзодаларнинг ана шундай маликалар қўлида тарбия топишига жуда катта

йил Севилияда нашр қилган «Буюқ Темурининг ҳаёти ва фаолияти» номли асаридаги қуйидаги маълумотлар диққатга сазовордир. «Элчиларни ичкарига бошлаб килдилар, Хонзодабегим ўлтирган жойга яқинлашганимизда, у элчиларни ўз қаршида соябон остидаги супага чиқиб ўлтиришга таклиф этди. Хонзодабегим ва унинг ҳузурдаги аёллар катта Чодир эшиги олдидаги соябон остида ўлтирдилар. У (Хонзодабегим) бугун қариндошларидан бирининг никоҳ тўйини ўтказаятган эди. Бегим кўринишидан қирқ ёшлар чамасидаги тўладан келган, оқ юзли, чиройли ва хушхулқ аёл эди». Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз керак, ўша пайтлар Темури саройига Клавиходан ташқари кўплаб давлатларнинг ҳам элчилари келишган. Эътиборга молик жиҳати шундаки, Клавихонинг ёзишича, элчилар Соҳибқирондан ташқари Сароймулкхоним ва Хонзодабегим қабулида бўлишган. Шунга қараганда Хонзодабегим салтанатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам қайнонаси Бибихоним каби юксак эътиборга эга бўлган. Ўрни келганда бебош амрлар ва ўзбошимча шаҳзодаларнинг хатти-ҳаракатидан Соҳибқиронни огоҳлантириб турган. Таъкидлаш жоизки, Темуридек буюқ саркарда суюкли ва оқила келинининг гапларига қулоқ тутиб, унинг айтганларини бажарган. Мисол учун — жуда ёш оламдан ўтган валиаҳд невараси Хонзодабегимнинг ўғли Муҳаммад Султоннинг қабрини бир йил ўтгач, келинининг илтимосига биноан Султония ҳудудидан Самарқандга кўчиртириб келади. Ва унинг қабри устига



Оқила ва тадбиркор малика юрт тинчлиги, давлат осойишталиги ва саройдаги кўнгулсизликларни бартараф этиш учун 1399 йил Табриздан Самарқандга Соҳибқирон ҳузурига йўл олади. Ва мазкур кўнгулсизликлардан Амир Темури огоҳлантиради. Бинобарин, Соҳибқирон ҳам айрим сарой аёнларини қаттиқ жазолаш билан бирга, ўғли Мироншоҳ Мирзонинг ҳам ҳокимиятдан четлатади. Кўриниб турибдики, Хонзодабегим Темурийлар салтанатининг обрў-эътиборига бефарқ қарамаган. Малика Мироншоҳ Мирзодан ҳам бир ўғил кўради. Исмини Халил Султон деб аташади. Тарихий манбаларда Халил Султоннинг ҳам валиаҳдликка номзод қилинганлиги маълум. Бироқ унинг Шоди Мулк билан кечган ишқий саргузаштлари Темурининг газабини кўзгатиб, уни валиаҳдликдан маҳрум қилгани маҳрум этади.

Хонзодабегимнинг кейинги тақдир ҳақида маълумотлар жуда кам. Абдуразоқ Самарқандийнинг ёзишича, малика ўлимидан олдин Маккатуллох зиёратига жўнаб кетади. Ва 1411 йил 3 ноябрда ўғли Халил Султоннинг вафотидан икки кун аввал Тус шаҳрида оламдан ўтади. Соҳибқироннинг суюкли келини бебош фарзандининг қилмишларидан норози бўлиб Ҳаж зиёратини ихтиёр қилган бўлса ажабмас.

Анвар СУЮНОВ

Саломатлик сабоқлари

Ҳа, она сути табиатнинг бебаҳо инояти. Негаки, унда бола ҳаёти, соғлиги учун нихоятда зарур бўлган озиқ моддалари, дармондорилар, энг муҳими, меҳр ришталарини боғловчи сеҳр бор. Шу билан бирга она сути таркибида болани турли хасталиклардан асровчи моддалар — антителалар ва ферментлар, углеводлар мавжуд. Бу қандай кароматки, углеводлар озиқлик хусусиятидан ташқари, ичакларда микробларнинг ривожланишига қаршилиқ қилади. Кальций ва фосфор тузлари эса бола суяклари ўсишига ёрдам беради. Она сутининг ўзига хос хусусиятларидан бири болада турли касалликларга қарши бир умрга етadиган иммунитет ҳосил қиладики, бу касалликларни энгилда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Шифокорлик тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, сунъий овқатлантириш эрта бошланган болаларда нимжонлик, касалликка мойиллик, тез чарчаш, яхши ўсмаслик, энг ёмони, ақлий қобилиятнинг сустлиги кузатилади. Бола қанчалик эрта сунъий озиқлантирилса, унинг ҳаётига бу шунчалик хавфли ҳисобланади.

Мутахассис олимлар ҳам она сутдан маҳрум болаларда куйидаги касалликлар кузатилишини таъкидлаган. Аввало она сутини эммай батта бўлган боланинг ақлий, жисмоний ривожланиши кечикади.

Қолаверса, ҳис-туйғуларига салбий таъсир кўрсатади. Мутахассисларнинг эътирофи этишларича, бундай болалар ота-оналарига нисбатан меҳрсизроқ бўлади. Семириш, касалликка мойиллик, аллергия кузатилади.

Шунинг учун дунёга келган ҳар бир болани гўдаклигидаёқ увуз сутига тўйдириш керак. Буни ҳар бир она билиши, увуз сути фарзанднинг умрига татийдиган бебаҳо неъмат эканлигини ҳис қилиши, ўзини бунга тайёрлаб бориши керак. Бўлажак она бунинг учун оиладагилар эътиборида бўлиши, кай-

фияти, саломатлиги рисоладагидек кечилишига диққат қаратиши керак. Бола дунёга келгандан сўнг дастлабки кунларда онанинг сут безлари сарғимтир сут ажратади. Бу увуз сути бўлиб, у худди ҳаёт электросига ўхшайди. Энг муҳими, увуз сутига оқсил кўп. Қолаверса, унда витамин А, С, каротин 2-3 марта, В, В2 ва Е витаминлари ва тузлар 1,5 баробар кўпдир. Шунингдек, увузда асосан А иммуноглобулин, оқсиллар, ёғлар, углеводлар, минерал элементлари, ферментлар, гармонларга жуда бой. Дастлабки пайтларда увуз сутига стафилококк анти-токсиннинг максимум сатҳи кузатилади.

Бу бебаҳо неъмат гўдак вужуди-га нафақат озуқа, балки меҳр-муҳаббат ва эзгулик туйғуси бўлиб сингийди. Муқаддас китобимиз Қуръони каримда унинг тенгсизлиги ҳақида гапирилиб, «Тоза сутни сизга озуқа қилиб юбордик» дейилади.

жудини мойлаб, турли хасталиклар, айниқса, аёллар орасида кўп тарқалган кўкрак бези рақининг пайдо бўлиш хавфини камайтиради. Она сути (айниқса увуз сутига!) организмнинг химоя кучларини оширувчи моддалар борлиги болани юқумли касалликлардан асрайди, моддалар алмашуви жараёни бу-

УВУЗ СУТИ - ҲАЁТ ЭЛЕКСИРИ

са, чақалоқ туғилганинг 10 кунларида бориб унинг миқдори камайиб боради. Унутмаслик керакки, увуз сути янги дунёга келган чақалоқ учун энг муносиб овқат ҳисобланади, ҳали тиббиётда унинг ўрнини босадиган бирор маҳсулот яратилмаган. Ишонч билан айтиш керакки, яратилмайди ҳам.

Шифокор сифатида яна шунини таъсия этаманки, увуз таркиби биринчи кунларда соат сайин ўзгариб туради. Ҳар бир чақалоққа фақат ўз онасининг сути яхши таъсир қилиб, мурғак вужуд талабига жавоб бера олади ва она-бола ўртасидаги меҳр риштаси ила боғланишни вужудга келтириб, кейинги эмизиш учун кўникма пайдо қилади.

Энг муҳими, она саломатлиги, физиологик етуклиги, қоматининг меъёрда сақланиши боланинг эмиши билан боғлиқдир. Аввало, увуз сути она ву-

зилганда чақалоқнинг диатезга чалиниш эҳтимолини кескин камайтиради.

Айни кунда туғруқоналаримизда гўдак туғилиши билан эмизиш учун онасига берилади. Негаки, тўққиз ой давомида она вужудида боғланиб ўсган гўдак дунёга келгандан сўнг ҳам ундан узоклашса, бу салбий оқибатга олиб келиши мумкин.

Эътибор бериш керакки, эмизикли аёл ҳамisha ўзини яхши ҳис қилиши, дилбандини эмизишга истаги, муҳими, меҳри, фарзанднинг эртасига ишончи мустаҳкам бўлиши лозим. Нохуш кайфият ва ҳорғин ҳолат она-бола саломатлигига ёмон таъсир қилади. Она сутининг камайишига, ҳатто йўқолишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Ҳолбуки, замонавий тиббиётнинг ҳулосасига кўра, она сути таркибида фар-

зандининг эҳтиёжи учун зарур нарсалар бўлиб, бола дунёга келган кундан бошлаб сут таркиби ҳам унинг ҳазм қилиш аъзоларига мослашиб бораркан. Гўдак улгайган сари она сути ҳам унга мос равишда ўзгариши кузатиларкан. Бордию бола муддатидан олдин туғилса, унга омон қолиши учун фақат онасининг сутини бериш керак.

Ҳар биримиз шунини юракдан ҳис қилишимиз керакки, она сути нафақат фарзанд саломатлиги учун, балки оилавий меҳр ришталарининг мустаҳкамлиги, қолаверса, маънан етук инсонни камолга етказишда энг ишончли манбадир. Шу боис она сути билан катта бўлганлар Ватан, миллат, халқни, қўйинги, инсон учун барча азиз ва мўътабар нарсаларни юракдан севиб ардоқлайдилар.

Нурилла ШАРИПОВ, болалар шифокори

Мунажжим башорати

(9-15 октябрь)

ҚҲЙ. Ҳафта давомида ишингиздан кутган натижани ололмайсиз. Уй юмушлари билан банд бўлинг. Чоршанба кунини молиявий масалаларда омадингиз чопади. Якшанбада мириқиб ҳордиқ чиқаринг.

БУЗОҚ. Душанба сиз учун омадли кун ҳисобланади. Чоршанбада учрашув ва оғир меҳнат талаб қиладиган ишларни қолдиринг. Дам олиш кунини моҳаролардан сақланг.

ЭГИЗАКЛАР. Ҳафта аввалида ижодий иш билан машғул бўласиз. Анчадан бери сарфлаган сармоянгиз ўз самарасини беради. Чоршанбадаги режаларингиз ўзгариб кетади. Дам олиш кунини оилангиз билан маданий ҳордиқ чиқаринг.

ҚИСҚИЧБАҚА. Душанбада жиддий учрашув ва ишларни режалаштирманг, соғлигингиз ҳақида қайғуринг. Чоршанба ва пайшанба сиз учун омадли кун ҳисобланади. Якшанба кунини юмушларни эрталабдан бошласангиз унумли бўлади.

АРСЛОН. Ҳафтанинг бошида ҳар қандай ишга қўл урсангиз сизнинг фойдангизга ҳал бўлади. Чоршанбада кутилмаган муаммолар ечимини билан овера бўласиз. Дам олиш кунини дўстлар даврасида бўлинг.

ПАЗИЗОД. Душанба кунини яқинларингиз сизга фойдали иш тақлиф этишади. Ишдан моддий рағбатлантирилмасиз. Чоршанбада катталар билан муносабатда эҳтиёт бўлинг. Дам олиш кунини муаммоларингиз ўз ечимини топади.

ТАРОЗИ. Ҳафта давомида ишдаги муаммолардан кайфиятингиз тушкун, асабингиз таранг бўлади. Сиқилманг, бу ўткинчи. Кўпроқ оилангизга эътибор беринг. Дам олиш кунини соғлигингиз ҳақида қайғуринг.

ЧАЁН. Ушбу ҳафта оилангиздаги муносабатларни моҳароларга айлантирманг. Чоршанба кунини иш билан боғлиқ ҳамкор танлашда адашманг. Чунки, бу узок муддатли бўлиши мумкин. Дам олиш кунини уй юмушлари билан машғул бўлинг.

ЎКОТАР. Ушбу ҳафта ҳамкорлар орттасиз. Бироқ номақбул ҳаёллардан тийилинг. Чоршанбада шахсий ҳаётингиздаги муаммоларни бартараф қилинг. Якшанба кунини ҳиссиётларга берилманг, кўпроқ ижодий ишлар билан машғул бўлинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Душанба кунга режалаштирган ишларингизни қолдиринг. Чоршанба ва пайшанбада қилолмаган юмушларингизни бажаришингиз мумкин. Дам олиш кунини эътиборингизни оилангизга қаратинг.

ҚОВҒА. Иш билан боғлиқ учрашувларни ҳафтанинг биринчи ярмида бажаринг. Чоршанба кунини молиявий масалаларни айёрлик билан ҳал қилишга уринманг, бу обрўйингизга путур етказиши мумкин. Дам олиш кунини моҳаролардан йироқда юринг.

БАЛИҚ. Душанба кунини ташвишли келади. Ақлий меҳнатдагилар фойдали шартномалар тузади. Чоршанбада қарздорлар қарзини беради. Дам олиш кунини ҳеч қандай ишга қўл урмай, келгуси ишларни режалаштиринг.

Обуна — 2007
МЕН «ИШОНЧ»ГА ОБУНА БЎЛДИМ. СИЗ-ЧИ?
— Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқи химоячиси бўлган касабаяшма-ушмаларининг нуфузи тобора ошиб бораёпти. Қарийб 23 йилдан бундан таълим ва фан ходимлари касабаяшма-ушмаси Бухоро вилоят Кенгашида меҳнат қилиб келаятганим учун ҳам бунини яхши биламан. Устоз ва мураббийлар, мактабгача таълим муассасаси ходимлари ҳамisha ардоқда. Лекин шундай ҳоллар ҳам бўладики, ўз ҳуқуқларингизни химоя қилишга тўғри келиб қолади. Бунда «Ишонч» газетасида мунтазам равишда чоп этилаётган ҳуқуқий мавзудаги чиқишлар жуда қўл келаятир.
Уйлаймизки, сеvimли нашримиз ҳисобланган «Ишонч» келгуси йилда ҳам ўзининг қизиқарли чиқишлари билан халқ ишончини қозонишда давом этади. Мен бу нашрга биринчилардан бўлиб обуна бўлдим. Сиз-чи?
Бахриддин ИСМАТОВ
Шавкат СУЛТОНОВ олган сурат

Table with 10 columns and 10 rows containing various words and names, likely a word search or crossword puzzle grid.

Тузувачи: Фозилжон ОРИПОВ

✓ **Самбо**

**КАСАБА УЮШМА СПОРТЧИЛАРИ ЯНА ГОЛИБЛИК ШОҲСУПАСИДА**

Кейинги йилларда пойтахтимизда жаҳон миқёсидаги халқаро мусобақалар ўтказиш анъана тусини олди. Бунга сабаб юртимизда спортга бўлган эътибор ҳамда спорт ареналарининг жаҳон стандарти талабларига жавоб беришидир.



Яқинда "Жар" спорт мажмуасида илк бор самбо кураши бўйича фахрийлар ўртасида жаҳон чемпионати баҳслари бўлиб ўтди. Бу йирик мусобақада 24 давлатдан 400 дан ортиқ фахрийлар иштирок этди. Улар орасида "Халқаро тоифадаги спорт усталари", "Хизмат кўрсатган спорт усталари" ҳамда ўз вақтида бир неча бор Жаҳон, Европа, Осиё ва бошқа халқаро турнирлар голиблари бор. Ушбу самбо байрами олдинги ўтказилган чемпионатлардан фарқли ўлароқ, қатнашувчилар сони анча кўп бўлди. Чемпионатнинг энг азиз меҳмонларидан бири, самбо бўйича жаҳон халқаро самбо Федерацияси президенти Давид Рудман мусобақага ташриф буюриб, ташкилий масалалардан тўла қониқиш ҳосил қилганлигини ва кўрсатилган меҳмоннавозликдан мамнун эканлигини билдирди. Ушбу чемпионатда Ўзбекистон терма жамоаси Россия вакиллари билан сўнг иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, кейинги ўрин Қозоғистон вакилларига насиб этди.

Хар доимгидек, бу сафар ҳам терма жамоамиз сафида касабачи вакиллари иштироки ва натижалари юқори бўлди. Тўрт нафар спортчимиз — Нурмуҳаммад Юсупов (Бухоро вилояти Қоракўл тумани Агротехнопарки мажмуи ходимлари касабачи кенгаши раиси), Михаил Алиев (Тошкент шаҳар Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касабачи кенгаши ходими), Зайниддин Ўринбоев (Ўзбекистон Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касабачи кенгаши раиси) ҳамда Жаҳонгир Пирназаров (шу тармоққа қарашли "Тошшаҳарўйла таъмиркурилиш" касабачи кўмитаси раиси) мусобақада яхши натижаларга эришдилар.

Бир неча бор фахрийлар ўртасида жаҳон чемпиони Нурмуҳаммад Юсупов бу сафар ҳам 74 килограмм вазнда барча рақибларидан кучли эканлигини исботлади. Чехия ва Тожикистонда ўтган мусобақаларда иккинчи ўринни эгаллаган Михаил Алиев бу сафар голиблик шохсупасига кўтарилди. 62 килограмм вазнда қатнашчилар сони кўп бўлишига қарамай, ярим финалга етиб келган З.Ўринбоев россиялик хизмат кўрсатган спорт устаси Виктор Афанасьевга очколар бўйича имкониятни бой берди. Яна бир вакилимиз Жаҳонгир Пирназаров эса жароҳати туфайли мусобақаларни тарк этишга мажбур бўлди.

— Голибликка эриша олмаган бўлсам-да, жамоадошларим ютуғидан мамнунман, — дейди З.Ўринбоев. — Энг аҳамиятлиси, жаҳон самбо курашининг афсоналари юртимизда бўлиб, ўз маҳоратларини намойиш этишди. Бу эса ёш полвонларимиз учун тажриба мактабини ўтади.

**Абдулхай ЮНУСОВ,**  
"Ишонч" мухбири

✓ **Турфа олам**

**КЎРҒОШИННИНГ «ИШИ»**

Агар одам баданига оғиз ёки ўпка орқали кунига мунтазам равишда бир миллиграммдан ортиқроқ кўрғошин кириб турса, унинг ичи қотиб кетади, қони камаяди, мадори қуриydi, иштаҳаси йўқолади, оёқ-қўли шол бўлиб, ҳатто ўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, кўрғошин эркакларни бепушт қилиб, аёлларда ҳомиладорликнинг нормал кечишини бузади.

Рим зодагонлари асосан кўрғошиндан ясалган идиш-товоқ ишлатишган. Демак, Рим империяси инқирозининг боиси ҳукмрон доиралар ичидаги ижтимоий иллатларгина эмас экан.


Маълум бўлишича, Рим империяси даврида боёнларнинг аксарияти вино орқали кўрғошиндан заҳарланишган экан. Чунки римликлар винони ширин қилиш ва уни ачиб қолишдан сақлаш учун унга узум шарбати кўшишарди. Шарбатни эса ичи кўрғошин билан сирланган идишларда пиширишган.

Бу зодагонлар орасида тугилишининг камайиб, ўлимнинг кўпайиши кўрғошин туфайли эканлигидан далолат беради.

✓ **Ўлкашунослик**

**Ўзбек аёлларининг бошига ўрайдиган миллий либосларидан бири — лачакдир. Унинг ҳар бир минтақага хос турлари мавжуд. Ҳозирги пайтда лачакнинг хилма-хил тури кўп учрайдиган минтақа бу — Сурхон воҳаси ҳисобланади. Хоразм воҳасида ҳам ушбу либос кўринишлари кам бўлса-да сақланиб келмоқда. Унинг миллийлигига бўлган эъзоз ва ҳурмат, айниқса Ҳазорасп ва Богот туманларида кўзга ташланади. Хусусан, Ҳазораспнинг Карвак қишлоғида бу антиқа либос авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Бу ерда яшаётган кекса аёллар бошига ўрайдиган лачак — Карвакий лачак номи билан машҳур. Карвакий лачак туркман, қозоқ лачакларидан ўзининг баланд қилиб, ранг-баранг тарзда ўралиши билан ажралиб туради.**

**Лачакни эгри қўйма**



Карвак қишлоғида яшовчи ҳар бир аёлдан ушбу либоснинг хусусиятлари ҳақида сўрасангиз, истаганингизча маълумот беради. Уларнинг таъкидлашича, қадимда лачак нафақат ўзбек, балки умумтуркий халқлар аёлларининг либоси саналган экан. Қирғиз ва қорақалпоқ аёллари ўрайдиган лачак қозоқча лачакларга ўхшашиги билан тавсифланади. Туркманча ва ўзбекча бош ўрамлари эса умуман ўзига хослиги, бетакрорлиги билан ажралиб туради. Ўзбекча лачаклар ҳам бир неча турга эга бўлиб, уларнинг ичида карвакий хили этнографик тадқиқотчилар томонидан кам ўрганилган.

Азалдан ўзбек аёллари 40 ёшга тўлганда бош ўраш маросими, яъни лачак тўйи ўтказишган. XX асрнинг 50-йилларидан эътиборан бу маросимни 60 ёшга тўлганда нишонлаш одат тусига кирди. Ахён-ахёнда бўлса-да 70-80 ёшни қоралаган момоларнинг бош ўраш маросими учраб турибди. Аёлларнинг ушбу миллий либосни ўраш муддатининг кечга сурилишига сабаб — нақиронлик завқини мўлроқ тотишга бўлган иштиёқ бўлса керак.

Одатда лачак тўйи ўзига хос тарзда бўлиб ўтади. Бунда аёл қариндош-уруғларини чорлаб ош беради. Шодиёна давом этади.

Аёллар маросим сабабчиси-ни давра ўртасига тўшалган гиламга ўтқазиб, атрофида парвона бўлганча бош ўрашни бошлайдилар. Дастлаб пешонадан тортиб то белгача тушиб

турадиган печ ташланади. У турмушда деб ҳам аталади. Унинг устидан эса елкаларини кенг равишда босиб турувчи ҳалақо ташланади. Кейин Хоразм таъясининг манатсиз хили кийдирилади. Таъя устидан ҳар хил рўмоллар ёки матоҳлар чирмалади. Лозим кўрган аёл тамоқсо тартади. Тамоқсо ияк остидан чаккагача тортилган матоҳдир. Унга ҳозирги вақтда кам эътибор берилади. Илгари хотин-қизларнинг очиқ юзда юриши мумкин бўлмаган бир пайтда тамоқсо оғзини беркитиб юришга мўлжалланган ҳижоб вазифасини ҳам бажарган. Лачак чирмаб бўлингач, унинг устидан кенг рўмол ёпилган. Аввалги даврларда бадавлат хотинлар бу либоснинг тепасига уқлар ёки тудор қистиришган.

Хуллас, бош ўраб бўлингач, лапар айтишувларига навбат берилади. Кўпинча минг ойни кўрган ували-жували кампирлар лачак ўрашни бошлаб беришса, айтишув — лапарларга ҳам улар дебеча ясайдилар.

Дарвоқе, Ҳазорасп педагогика коллежи қошида «Истиқлол гуллари» бадийи ҳаваскорлик дастаси фаолият бошлаган. Унинг бадийи раҳбари Ф.Отамуродов лачак тўйида айтиладиган қўшиқларни тўплаб, ёшларга ўргатмоқда. Мазкур қўшиқлар ҳаваскорлик дастаси репертуридан ўрин олгани қувонарли ҳол, албатта. Биз коллежга ижодий сафар қилганимизда талабалар кўрик-танловларидан бирига мўлжаллаб «Лачак тўйи» деб номланган сахна кўриниши устида репетиция қилаётган экан. Уларнинг ижросида ян-

раётган лапарларни қоғозга туширдик.

Онангдан меросинг лачак,  
Киз чоғингда осдинг гажак,  
Энди ёш давринг ўтажак,  
Дўппингни эгри қўйма,  
Дўппингни эгри қўйсанг қўй,  
Лачакни эгри қўйма.  
Бошингга ўраган чоғи,  
Ерга судралар сачоғи,  
Лачакдир ўтмишининг ёди,  
Дўппингни эгри қўйма,  
Дўппингни эгри қўйсанг қўй,  
Лачакни эгри қўйма.  
Оғирлиги курсин, малол,

**Лачакни эгри қўйма**



Елкангни ҳеч қоқмас шамол,  
Сўлмасин гулдай жамол.  
Дўппингни эгри қўйма,  
Дўппингни эгри қўйсанг қўй,  
Лачакни эгри қўйма.

Шу ҳақдаги лапарларни айтишиб, хумордан чиққан момолар охирида маросим сабабчисининг бахт-иқболлини тилаб, дуои-фотиҳалар қилишган.

Баъзан бу либоснинг салобатлиги фарзандлар сони билан боғлиқ деган гап қулоққа чалинади. Эмишки, момолар фарзандлари қанчалик кўп бўлса, лачакни шунчалик баланд қилиб ўрашган. Тадқиқотчиларнинг сурхоний лачаклари хусусияти борасида ёзишча, бу гўша момолари насл поғоналарига қараб лачакнинг баландлигини оширар экан. Масалан: неварали кампир мазкур бош либоси устидан икки йўл, чеваралиси эса уч йўл қилиб белбоғга ўхшаш ўрам ёки чилвир тангишган. Хоразмда эса унинг баландлиги аёлнинг серфарзандлигидан дарак беради.

Шу ўринда лачакнинг яна бир хусусияти борасида тўхталиш жоиз. Ушбу салобатли бош кийимини ўраб юрган аёл шамоллаш, минингит, ангина, қулоқ оғриғи каби касалликларга кам чалинар экан. Бунини шифокорлар ҳам тасдиқлайди.

Албатта, миллий либосларнинг жозибаси, хусусияти кишини ўзига жалб этади. Улар орасида лачак ҳам ноёб антик либос сифатида ҳали кўп замонлар нигоҳларни ҳайратлантириб туради, дея умид қиламиз.

**Эргўлат БАХТ**

**Донолар демишки...**

*Энг гўзал  
безак тавозеъ,  
Энг хунуги  
бахиллик экан.*

**Нажмиддин КУБРО**

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!**

Таълим ва фан ходимлари касабачи уюшмаси Фарғона вилоят Кенгаши жамоаси вилоят Кенгаши раиси Собирхўжа Саидхўжаевга падари бузруквори **СУЛТОНХЎЖА ОТАНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари тахририяти жамоаси тахририят ходими Алексей Алимқуловга опаси **Елена АЛИМҚУЛОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

<p><b>Ishonch</b></p> <p><b>МУАССИС:</b> Ўзбекистон касабачи уюшмалари Федерацияси</p>	<p><b>Бош муҳаррир</b> <b>Абдухолик АБДУРАЗЗОҚОВ</b></p>	<p><b>Бизга кўнгирак қилинг:</b> <b>Котибият:</b> 153-52-78 <b>Хатлар бўлими:</b> 153-85-43</p>	<p>Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134</p>	<p>Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.</p>	<p><b>Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев</b> <b>Навбатчи муҳаррир - Н.Рафиқов</b> <b>Навбатчи - Д.Аллакулова</b> <b>Мусаххач - А.Ярбеков</b></p>
	<p><b>Тахрир хайъати:</b> Алла Долженкова, Виктор Зверов (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шавакат Абдуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёкубов, Фуломзокир Юсупов</p>	<p>Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. ИВМ компютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табақ.</p>	<p>«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.</p>	<p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Нашримиздан кўчириб босилгандан «Ishonch»-дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар (П) белгиси остида чоп этилади.</p>	<p><b>Саҳифаловчи-дизайнер:</b> <b>Ю.Михайловский</b></p>
		<p><b>E-mail:</b> <a href="mailto:Ishonch_doverie4@mail.ru">Ishonch_doverie4@mail.ru</a></p>		<p>Бу юртга Т-1115   Тиражи: 7627</p>	
				<p>Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 19.00</p>	
				<p>Сотувда эркин нархда   1 2 3 5 6 7 8</p>	